


84

к 93

А. Куприн,
К. Паустовский

БУТАСИ



НАСТАРИН

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Александр Куприн
Константин Паустовский

НАСТАРИН БУТАСИ

Ҳикоялар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент–2018

УЎК 821.161.1-32 ✓

КБК 84(2Рус)

К 93 ✓

Таржимон:
Дилором Муротова

Куприн, Александр.

Настарин бутаси [Матн]: хикоялар / А.Куприн, К.Паустовский. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 100 б.

Ушбу китобга улуғ рус ёзувчилари Александр Куприн ва Константин Паустовский хикоялари жамланган. Ҳикоялардаги соддалик, самимийлик, қаҳрамонлар ички олами ва рус ҳаёт тарзининг маҳорат билан чизилиши эътиборни тортади. Ҳаёт ва одамлар ўртасидаги муносабатлар яққол тасвирланган.

Ҳикоялар таржимон Дилором Муротова томонидан ўзбек тилига ўтирилган

УЎК 821.161.1-32

КБК 84(2Рус)

ISBN 978-9943-5294-4-1

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

МИННАТЛИ НОН

Судланувчи, сизга конунга биноан сўнг сўз берилади, — деди, толиккан кўзларини аранг очиб, лоқайд бир охангда суд раиси, — ўз қилмишингизга ойдинлик киритиш ёки ўзингизни оқлаш учун яна нималарни қўшимча қилоласиз?

Айбланувчи бу мурожаатдан сўнг беҳосдан ўрнидан сапчиб турди ва асабийлашган бир ҳолатда ингичка, узун бармоқлари билан судланувчи курсисини тўсиб турган панжарани маҳкам ушлаб олди. У ҳадиксираб, кўзларида акс этган кўрқувни яширишга ҳаракат қилаётган кўримсизгина, озғин киши эди. Оқ оралаб қолган сийрак соч, соқоли ва оппок киприги бўздек оқарган рангини камқонлик касалига чалинган бемордай янада хастаҳол қилиб қўйган эди... У ўзининг узоқ қариндоши бўлган граф Венцепольскийнинг уйида яшаб туриб, 23 январдан 24 январга ўтар кечаси олдиндан ўйланган режа асосида унинг хонадонига қасддан ўт қўйганликда айбланмоқда эди. Тиббий экспертиза айбланувчининг аклий ва руҳий соғломлигини ўрганиб, нормал ҳолда эканлигини маълум қилган. Хулосага эса унинг асаб тизимидаги баъзи ўзгаришлар, яъни ички ҳиссиётларини тутиб туриш ҳолатининг заифлиги, қутилмаганда кўз ёш қилишга мойиллиги борлиги каби жиҳатлар қайд этилган эди.

Айбланувчи шу пайтгача давом этаётган айблов ишининг муҳокамасига аралашолмай, бепарво, худди бу жараёнда иштирок ҳам этмаётгандек жим ўтирган

эди. Ўта расмий олиб борилаётган суд йиғилишидаги дабдабали вазият, судьяларнинг ўзига хос либослари, устига тилла сув юритилган ипдан тайёрланган попукли, қалин қизил мовут тортилган суд столининг кўриниши, иссиқ, икки хил рангда тантанавор безатилган кенг зал ва унинг деворларига осиб қўйилган маҳобатли портретлар, суд залига йиғилганларнинг махсус тўсик оркасини тўлдириб ўтиришлари, назоратчи нозирлар, киборли суд маслаҳатчилари, совуққон прокурорнинг салобати, адвокатнинг эса масалага нисбатан қилаётган бемаъни хулосаси айбланувчини янада эсанкиратиб қўйган эди. Унинг наздида у қандайдир баҳайбат, кўрқинчли машинанинг тишлари орасида қолиб кетган-у энди эса уни бир нафас бўлса-да тўхтатишга на бир инсон ва на бирор ирода кучи қодир эмасдек эди.

У ҳимояловчиси нутқ сўзлаётган пайтда бир неча бор шарт ўрнидан туриб: “Жаноб адвокат, сиз умуман бошқа нарса ҳақида гапираяпсиз. Воқеа аслида ундай бўлган эмас. Келинг, сиз менга бир нафас имкон беринг, қилган айбим тўғрисида ўзим гапириб берай”, демоқчи бўлиб чоғланди, аммо айтолмади. Унга сўз бериб қолишларини ҳам кутди. Мабодо сўз берилса, шу заҳоти унинг ўзи аниқ ва тушунарли қилиб, бўлган воқеанинг барчасини, ўзининг ўша пайтдаги рухий изтироблари, ўй-хаёллари, бошқа биров тасаввур қилиши кийин бўлган барча ички кечинмаларигача баён қилиб бермоқчи бўлди. Лекин ҳаракатга тушиб кетган бу беаёв машинанинг тинимсиз, бефарқ айланаётган ғилдирақларини тўхтатишга унинг журъати етмади.

Кутилмаганда эса, суд раисининг унга қарата айтган гапи охирги умидсизлик ҳолатидан уйғотиб, унга ғайриоддий дадиллик бахш этди. Шу пайт унинг ўзини тутиши ўлимга маҳкум этилган кимсанинг ўлими олди-

дан жаллод кундасига бош қўйиш ёки ўлим сиртмоғини бўйнига солишга қаршилиқ кўрсатиб, жазавага тушишини эслатди.

У бирдан, ялинганга ўхшаш баланд овозда:

– Ҳа, жаноби раис!.. Худо ҳаққи, мени эшитинг... Ҳамма нарсани ўзим гапириб, тушунтириб беришимга рухсат беринг!.. – деди.

Уни тинглаган суд маслаҳатчиларининг киёфаси диққат-этиборини унга қаратгандек ўзгарди, судьялар бирин-кетин олдидаги варақларга энгашдилар, йиғилганлар эса унинг нима дейишини кутиб, диққат билан жимиб қолишди. Айбланувчи сўзлай бошлади:

– Мен ўтган йилнинг бошида бу шаҳарга келганимда келажагим тўғрисида бирорта ҳам режам йўқ эди. Чунки мен бу дунёга фақат омадсизлик учун келган бўлсам керак, деган фикрда эдим. Аслида ҳам шундай, ҳаётим давомида менга ҳеч қачон, ҳеч нарсада омад кулиб бокмаган. Ҳаттоки айни пайтда ҳам қирқ ёшга кирганимга карамай, худди ёшлигимдаги каби нотаваон ва тажрибасизлигимча қолиб кетганлигимга шубҳам йўқ.

Ўшанда Граф Венцепольскийга бирор бир жой топишда ёрдам беришини сўраб мурожаат қилган эдим. У кишининг мархума онамининг узоқ қариндоши эканлигини ҳисобга олган ҳолда ундан ёрдам сўраганман. Сасий, очик қўл, ўзгалардан мурувватини аямайдиган граф эса, негадир ўша пайтда мени ҳеч каерга жойлаштира олмади, аммо, бирор қулай шароит туғилиб қолгунича ўзининг уйида туриб туришимни таклиф қилди. Мен унинг уйига кўчиб келдим. Аввал бошлаб у менга қандайдир этибор кўрсатгандек бўлди. Аммо тезда унинг кўнглига урдим шекилли, борманми-йўкманми парво ҳам қилмай қўйди. Ҳаттоки, баъзида мендан умуман хижолат ҳам бўлмасди. У менинг уйида юрганлигимга

шунчалар тез кўникдики, назаримда мени бирор бир мебелга ўхшаш нимадир деб ҳисоблай бошлади. Айнан ўшандан бошлаб менинг ночор, аччиқ ва қайғули, сиғинди сифатида топталган ҳаётим бошланган эди. Менинг итоатгўйларча сўзлашим ва илжайиб туришдан бошқа иложим қолмаган эди.

Ўша пайтдаги азобли кечмишимни ўз танидан ўтказмаган инсон тушуна олмайди. Бехудага ўзига тўқ, мағрур инсонлар тоифаси ночор, уларнинг тилида “текинхўр, сиғиндилар”нинг ҳақоратлардан йиғлаши, таҳкирликлардан титраши каби ўша тобдаги заиф жихатларини кўриб, буларни истаганча хўрлаш, топташ мумкин, улар кўникиб кетаверишади, деб ўйлайдилар. Аммо, ишонинг мен ҳеч қачон текинхўр, сиғинди эканлигимга ишора қилиб айтилган сўзларга кўниқолмадим, аксинча, бундай сўзлардан жуда ёмон таъсирланганман, ўта оғир олганман. Ўша кезлар бундай муносабатлардан қалбим қанчалар топталганини билсангиз эди. Ҳар бир айтилаётган сўз, муомала қалбимни баттар эзар, яралар, худди қиздирилган темир каби жизиллатиб қуйдирарди, таърифлашга бундан ортиқ сўз тополмайман. Аммо вақт ўтган сайин бундай хўрликлардан қутулишимга кўзим етмасди, чунки кучим етмаслигини сезардим. Мен ўзимни ўта ночор ва қўрқоқ эканлигимни билиб турардим. Графнинг уйидаги тўқ ҳаёт ва ундаги мен тушиб қолган муҳит эса мени буткул бўшанг қилиб қўйган, иродамининг қолганини ҳам худди занг каби кемириб, еб битирди. Баъзи пайтлар уйкуга кетишдан олдин, кундузги хўрланганлигим алам қилиб, ғазабим қайнар, шундан сўнг ўз-ўзимга: “Йўқ, бўлди етар, эртага буларнинг барчасига чек қўяман! Кетаман, графнинг сурбет, қўполликларини ўзининг бетига айтиб, кетаман. Бу каби пасткашликда яшагандан кўра

юпун кийимда бўлса ҳам, совукда, очликда кун кечирган афзал”, – дердим.

Аммо, мен айтган ўша “эртага” ҳам бўларди. Менинг карорим ўз-ўзидан сўнардди. Лабимни мажбуран кийшайтириб, илжайиб кўринишга ҳаракат килардим. Ҳар кунгидек хижолатдан ўзимни ўнглай олмай, ўйлаганимдек тушлик пайтида столга кўлимни шарт қўйиб, бир оғиз лом-мим деёлмасдим. Яна ахволимнинг ўта ночор ва аянчли эканлигидан озор чекардим. Бир куни гарфга мени қаергадир жойлаштириб қўйишни ваъда қилганлигини эслатмоқчи бўлганимда, у ўзининг қоплон қараши билан қуйидаги сўзларни айтиб, қаршилиқ билдирди:

– Қаерга шошилаяпсиз азизим?.. Менинг уйимда ёмон кун кечираяпсизми?.. Ҳозирча тура тулинг-чи, кейин бир ўйлаб кўрармиз... Унинг бу жавобидан кейин мен яна жим бўлиб қолдим. Иродамни букиб, шунчалик итоаткор бўлишга мажбур эдимки, ҳатто граф менга ўзининг бирор бир эски кийимини совға қилганида, унинг кийимлари менга катта ва кенг бўлса-да, ҳеч қандай эътироз билдира олмасдан кияр эдим. Бир куни графнинг уйига келган меҳмонлардан бири эгнимдаги қўйлагим “тоғаваччамники” эканлигини эслатиб қўймоқчи бўлиб, яна бири – искирт, яна бир сурбет жаноб эса муттахам, дегандек, баланд овозда мендан:

– Федоров, янглишмасак, сиз либосларингизни граф билан битта тикувчига буюртма қилсангиз керак?, дея хахолаб кулишди.

Уларнинг бирортаси мени ўз исми шарифим билан қақирмасди. Граф эса мени ҳар доим ўз танишларига таништиришни ёдидан чиқариб қўярди. Умуман олганда, уларнинг аксарияти граф атрофида йиғилган айнан текинхўр, сиғиндилардан бошқа ҳеч ким эмас эди.

Аммо улар сурбетларча графнинг атрофида гирдикапа-лак бўлишар, ўзларини тенг қилиб кўрсатишга, яқин ва муносиб ҳисоблашга ҳаракат қилишар эди. Мен эса улардан фаркли, ўзимни четга олардим, журъатсиз ва итоатгўй эдим. Улар шундан бўлса керак, ўта беадаблик билан, сурбетларча менга тоқат қилолмасди. Бундай қараш фақат кимнингдир ҳимоясига муҳтож бўлган ночор одамларда кузатилади.

Графнинг хизматкори ҳам менга паст, калондимоғ-лик билан сурбетларча муомала қиларди. Столда менга ҳам ош-овқат ва вино қўйишга одатланишган бўлса-да, уларнинг малайларга хос сўзлари ва қарашларидан менга нисбатан текинхўр хизматчига қараган каби ижирғанишларини сезар эдим. Турар жойим, кўрпа-тўшакларимни ўзим йиғиштирар ва кийимларимни ҳам ўзим тозалар эдим.

Кечалари баъзан графнинг уйида “винт” деб номланган карта ўйини ташкил қилинар эди. Ўйинга шерик етишмай қолганда граф менга ҳам карта узатарди. Мен ҳар доим пулсиз, бироқ ҳар гал ютиш тўғрисидаги катта истак билан ўйинга киришар эдим. Ич-ичимдан ютишим тўғрисида Худога илтижо қилиб, иштиёқ билан ўйнар эдим. Аммо мен ҳар доимгидек, ҳаммадан ҳам кўп юткизиб қўярдим.

Ўйин тугаб, шериклар ўзаро бир-бирлари билан ҳисоблашаётган пайтида уятдан бошимни кўтаролмай, ўлгудай қизариб, титраб, бармоғимни қайириб ўтирардим. Бу ҳолат узоқ давом этаверса, чидолмай, ўзимнинг хижолатимни билдириш учун ғулдираб:

– Илтимос... Граф... Менинг ҳозирча пул масаласида қийналиб турганлигимдан хабарингиз бор. Ютқазганимни ўзингиз тўлаб тулинг... Мен сизга эртага қайта-раман.., – дердим.

Албатта ваъдани ёлгон эмас, чиндан берардим. Аммо, бу қарзимни эртага ҳам, индинга ҳам қайтаролмаслигим ҳаммага аён эди.

Бир куни кечаси гарф ва уйига йиғилган меҳмонлари аввал ресторанга, кейин эса аёллар билан учрашувга бормоқчи бўлишди. Мени ҳам тил учида таклиф қилишди. Мен албатта ўз-ўзимча рад жавобини бермоқчи бўлдим. Чунки, билардимки, “йўк” деган жавоб уларнинг ҳаммасига маъкул тушар эди. Аммо, ўшанда қандайдир бир куч мени шошилганча пальтомни кийиб олишга ва уларга қўшилиб жўнашга мажбур қилганини, Худо ҳақки, ханузгача тушунолмайман.

Ресторанда овқат пайтида ҳамма яйраб, ўзаро бир-бири билан ҳар хил ҳазил қилишди. Мен эса худди ўргатилган кучукдай тинмай қийқириб кулар эдимки, бу беҳисоб хузур бахш этарди. Аммо ҳаёлимга бирор бир қизиқ ёки кулгили фикр келиб қолса, уни айтиб берай, десам, ҳеч ким менга эътибор бермасди. Қанчалик оғиз жуфтлашга ҳаракат қилмай, шу заҳотиёқ сўзимни бўлишарди. Бир сўзни ўнинчи бор айтишга ҳаракат қилиб, ҳамсухбатларимнинг кўзларига қарар эканман, уларнинг бирортасининг нигоҳи нигоҳимга қадалмади...

Айникса, менга кечаси дахшатлироқ эди. Худди коридорга ўхшаш ҳамма ўтиб-қайтадиган тор хонада ухлардим. Тўшагим пружиналари чўкиб, ўртаси қийшайиб қолган, толаси титилиб, ташқарига чикиб ётган эски узун курси – кушетка эди. Олдиндаги икки оёғининг йўқлиги учун ўрнига жомадонимни қўйиб қўйган эдим. Бу ўриндикни қанчалик ёмон кўришимни билсангиз эди! Бу каби одамни эсанкиратиб қўядиган кўргуликни ҳеч кимга раво кўрмасдим. Эски нарсаларга ўта ўч бўлган ашаддий эскипўш ҳам бундай расво, эски нарсанинг бахридан аллақачон кечган бўлар эди. Ҳар куни

навбатдаги узун кечалар якинлашиб, мени кутиб турган чидаб бўлмас, азобли, уйқусиз тун бағрига чорлар эди. Нихоят мен ўша кеч жойимга ётдим. Ётоқ курсининг букчайган, кийшиқ жойи елкамга ботиб, қаддимни тобора букарди. Чиқиб турган пружиналар икки ёнимдан танимга ботиб, ёстиғим жуда кичкина бўлганлиги учун бошимда турмай, сурилиб кетаверар эди. Беш дақиқа фурсат ўтгач, доимгидек бел ва елкамда бемаъни оғрик туради. Бошим кизиб, бечора миямда турли ўй-хаёллар айланиб, гўёки талваса ўпқонида чарх ура бошлайди... Шунда бирма-бир ақл бовар қилмайдиган, ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган, ушалмайдиган келажак режалари тузила бошланади. Негадир тунда бу каби режаларга ишонардим, аммо тонг ёришиши билан улар мени худди иситма аралаш алаҳсираган каби даҳшатга соларди. Кундузги ҳар бир ҳодисанинг таассуротлари, ўзим ва бошқаларнинг айтган сўзлари, кечган ҳар бир дилсизлик, камситиш ва ҳақоратлар яна қайта-қайта хотирамда жонланарди. Мени кийноққа солиб, бирин-кетин, хотирамда жонланаётган бу каби даҳшатли кечинмалар, изтироблар ичида борлиғимни жазиллатиб қуйдиргувчи азоблардан сел бўлардим. Бу ҳолатни фақатгина ёлғизликка маҳкум ва хўрланган инсонгина тасаввур қилиши мумкин, холос. Ўзим ўтказган бу каби қабих, пасткашликларни хотирамда қайта жонлантиргач, қалбимнинг туб-тубидан шунчалар бир жирканч балчикни қўпориб олар эдим. У шунчалар аянчли нарсаларки... ҳатто на суд залида ва на ўзингни ҳимоя қилиш учун ҳам гапириб бўларди...

Графнинг дўстлари мен ётган кийшиқ курсининг ёнидан ўтаверишда унинг жуда аянчли ҳолига ишора қилиб, масҳараомуз кўнгилимни кўтариб қўйишни ёқтиришарди. Уни азоб курсиси, деб атардилар.

Ўша мен жиноят содир этган куним, графнинг танишларидан бири жаноби Лбов, барча улфатларни ўзига қолдирилган меросни ювиш учун ресторанга таклиф қилганди. Мен ҳам ресторанга бориш учун кийимларимни кия бошладим. Зинага чиққан пайтимда нохосдан жаноб Лбовга туртиниб кетдим ва дарҳол узр сўрадим. У эса:

– Ҳечқиси йўқ, аҳамият берманг... деди. Ва шу заҳа-ти яна:

– Ҳа айтганча, Федоров, сиз боришга чоғланиб, бе-корга овора бўлаяпсиз, шекилли. Тушунишимча, ҳозир-ча сизни ҳеч ким таклиф қилганича йўқ... – деб, қўшиб қўйди.

Мен кутилмаган бу каби аёвсиз сўзлардан кейин, довдираб, нима қилишни билмай, пиллапоёда тўхтаб қолдим. Меҳмонлар шовкин солиб, бирин-кетин эшик-ка чикардилар. Улардан кимдир менга қараб:

– Борақолинг, ўзингизнинг ўша азоб ўриндиғингиз-да ётиб, дам олатуринг, дея кичкирди.

Яна бири эса:

– Ҳа, шундай, ўзингизнинг ўша муттаҳам ўриндиғингизга борақолинг! – дея, қўшиб қўйди.

Улар жам бўлиб, хахолашиб қулганча, ресторанга жўнаб кетишди. Мен қайтиб келиб, ўрнимга чўзилдим. Ич-ичимдан эса, нимагадир дамо дам “Улар айтган гап-ларидан афсусланишади, мени олиб кетиш учун ортим-дан кимнидир юборишади”, деган хаёл ўтди. Аммо ҳеч ким қайтиб келмади. Шундан сўнг ноилож, алам-дан икки, уч соатларча аччиқ кўз ёш тўқдим. Айниқса, “муттаҳам ўриндик” деганлари жудаям оғир ботди. Се-кин ўрнимдан турдим. Ётадиган жойга нисбатан калбим нафратга тўла эди. Шу пайт беихтиёр шляпам тагидан бир неча бўлак картон қоғозини суғуриб олдим-у уни

эски газетага ўраб, керосинга ботирдим ва ўша ўриндиқ тагига кўйиб, унга олов кўйдим. Ўша пайт менинг хушим, ихтиёрим умуман ўзимда эмас эди. Билмайман орадан канча вақт ўтиб, ўзимга келганимда хона буткул ловуллаб ёнарди. Қилган ишимдан дахшатга тушдим ва одамларни ёрдамга чақирдим. Воқеанинг қолган қисми эса сиз жанобларга маълум...

НАСТАРИН БУТАСИ

Хотини эшикни очгунича зўрға чидаб турган Николай Евграфович Алмазов, эгнидаги уст кийими ва бошидаги фуражкасини ҳам ечмай, хонасига кириб кетди. У қошларини чимириб, пастки лабини чўччайтириб олган, юз кўринишидан эса ўта асабийлашганлиги билиниб турарди. Унинг бу ахволини кўрган хотини, қандайдир нохуш ходиса юз берганлигини сизди-ю, бир сўз демай, эрининг орқасидан секин кириб борди. Алмазов хонанинг бурчагига тикилгунча турган жойида тек қотиб турарди. Бирпас ўтгач, кўлида тутиб турган портфели полга келиб тушди. Шундан сўнг яна ғзаби қайнаб, бармоқларини сиқиб, қисирлатди-ю ўзини креслога ташлади. Полда эса портфелнинг ичидан тўкилган қоғозлар сочилиб ётарди.

Ёш, ўртаҳол офицер Алмазов, бош штаб Академиясида маъруза тинглаб, ҳозиргина ўша ердан қайтганди. Бугун у профессорга ўзининг сўнгги ва энг мураккаб амалий ишини яъни ҳудуднинг инструментал кўчирма чизмасини тақдим қилганди.

Шу пайтгача барча синовлар муваффақиятли кечди, аммо бунга эришгунича уларнинг бошидан кечирган қийинчиликлари ёлғиз Худога-ю ва уларнинг ўзигагина аён. Аввал бошидаёқ, Академияга киришнинг ўзи ҳам жуда машаққатли, бунинг имкони йўқдай туйилганди.

Бошида икки йил давомида Алмазов имтиҳонлардан йиқилди. Кўп ва зўр бериб килинган тайёргарликлардан сўнг, факат учинчи уринишдагина ўз мақсадига эришганди. Агар ёнида хотини руҳан мадад бўлиб турмаганида эди, балким иродаси бўшлик килиб, буларнинг барига аллақачон қўл силтаб юбориши аниқ эди. Бироқ, Верочка ҳар доим турмуш ўртоғини дадилликка, руҳини туширмасликка, то мақсадга эришгунича тинимсиз ҳаракат қилишга чорлаб келди ва кўлидан келганича қўллаб-қувватлади. У умр йўлдошининг ҳар қандай омадсизлигини, инжиқликларини очик ва хуш чехра билан қаршилашни ўзига одат қилиб олганди. Уйида ўзи учун зарур бўлган кўплаб нарсалардан воз кечиш эвазига, эри учун унчалик зўр бўлмаса-да, ҳарқалай ақлий меҳнат билан иш кўрувчи инсонларга зарур бўлган қулайлик яратилишига ҳаракат қилганди. Эри учун гоҳ ёзувларини кўчириб берувчи котиба, гоҳо чизмакаш, баъзан муҳаррир, умуман ҳар қандай шароитда ҳам кўлидан келгунича ҳар бир ишда кўмаклашди ва ҳаттоки эслатма дафтар вазифасини ҳам бажарди, хуллас, беминнат ҳамкор, мададкор бўлди.

... Оғир сукунат ичида беш дақиқа вақт ўтди. Хонадаги жимликни эса факат уларга кўпдан бери таниш бўлган ва жонларига тегиб кетган соатнинг бир, икки, уч-уч деб, икки марта очик ва учинчи мартаси хириллаб нотекис уриши бузиб турар эди. Алмазов уст-бошини ечмай, тескари томонга қараб ўтириб олганди... Ундан икки қадам орқада эса Вера нима қилишини билмай, кийналиб, гўзал ва маъюс чехраси билан миқ этмай унга тикилиб турарди. Ва ниҳоят аёлларгагина хос ўта эҳтиёткорлик билан худди оғир бетоб бўлиб ётган яқин инсонининг бошида ўтирган аёлдай биринчи бўлиб охиста сўз қотди:

– Коля, ишларинг қанақа ўзи?.. Ёмонми-а?

У индамади, елкасини секин кимирлатиб қўйди.

– Коля, ё иш режангни қабул қилишмадими? Мундок гапирсанг-чи ахир, барибир мен ҳам билишим керак-ку.

Шу пайт Алмазов хотинига юзланди ва кўпдан бери ранж-аламини аранг ичига ютиб, сикилиб юрган инсон каби куйиб-пишиб гапира кетди:

– Ҳа, жуда билгинг келаётган бўлса, марҳамат, худди шундай бўлди, режамни қабул қилишмади. Наҳотки сезмаётган бўлсанг? Ҳа, барчаси чиппакка чикди! Мана бу ярамас нарсанинг барчасини, – у оёғи билан чизмалар сочилиб чиққан портфелни туртар экан, – энди буларнинг барчасини ёкиб юборсанг ҳам бўлади! Мана сенга Академия! Бир ойдан сўнг яна полкка қайтаман, бунинг устига шармандаларча, уятни орқалаб қайтаман. Бир арзимаган, қандайдир ярамас шу доғни деб-а!.. Ҳа, жин урсин!

– Қанақа доғ ҳақида гапираяпсан, Коля? Тушунтириброқ гапирсанг-чи, ҳеч нарсага тушунмаяпман. У креслонинг қўл билан суянадиган жойига келиб ўтириб олди ва секин эрининг бўйнидан кучди. Алмазов хотинининг бу ҳаракатига қаршилиқ қилмади, аммо ҳамон маъюс қиёфада индамай бурчакка тикилиб ўтираверди.

– Коля, у қанақа доғ эди? – қайта сўради хотини яна.

– Э-э, ҳалиги, яшил бўёкнинг оддий доғи-да. Ўзинг биласан-ку, кеча соат учгача ухламаганман, ишимни охирига етказишим керак эди. Режам чиройли қилиб чизилган, безалган. Бу ҳақида ҳамма гапирди, ҳамма тан олди. Бироқ, кеча тунда ўтиравериб чарчаб кетганимдан охири қўлларим калтирай бошлади ва окибатда режамнинг юзига доғ томизиб қўйдим... У доғ шундай куюк ва ёғли эдики, тозалайман деб, баттар чапладим. Энди нима қилсам экан, деб, ўйлайвериб, ўйлайвериб, охири

доғ тушган жойда дарахт бутасини тасвирлашга қарор қилдим... Тасвир жуда ажойиб чиқди. Ҳеч ким бу ерда доғ бўлган, деб шубҳа ҳам қилмайди. Чизмани аввал профессорнинг ўзига олиб кирдим. Лекин, биласанми, у ишимни кузатар экан: “Хўш, хўш, яхши. Аммо, менга айтинг-чи Поручик, манави жойда буталар қаердан пайдо бўлиб қолди?” – деди. Шу пайт, бўлган воқеани қандай бўлса, шундайлигича сўзлаб берганим дурустми? Эҳтимол, бироз қуларди... Йўқ, бироқ у ҳеч қачон бундай қилмайди-да, қулмайди, чунки у ўта расмий ва тартиб-интизомга қатъий риоя қилувчи – немис. Мен эса унга: “Бу жойда ҳақиқатан ҳам буталар ўсади”, дедим. У эса: “Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Бу ҳудудни беш қўлдай биламан. У ерда буталар йўқ эди”, деди. Шундан сўнг бирин-кетин савол-жавоб орқали суҳбатимиз анча авж олди. У ерда ўзидан бошқа кўплаб офицерлар ҳам кузатиб турганди. “Майли, агар сиз ўша жойда ҳақиқатдан ҳам дарахт буталари бор, деб айтаётган бўлсангиз, эртагаёқ ўша жойга бирга борамиз. Мен эса сизнинг эътиборсизлигингизни ёки тўғридан-тўғри бошқа харитадан кўчириб чизганлигингизни исботлаб бераман...”

– Аммо, ҳайронман, нега у бунчалар ишонч билан у ерда буталар йўқ, деб айтди?

– Эй, Худойим-ей, нега? Худди ёш болага ўхшаб савол берасан-а. Ахир, у йигирма йилдан буён бу жойларни ҳатто ўзининг уйидан ҳам яхши билади. Дунёда бадқирдор синчковлар бор бўлса, энг ашаддийси шу одам, бунинг устига-устак, у немис бўлса...

Алмазов гапираётганида олдида турган кулдондаги ёкилган гугурт чўпларини олиб, майда-майдалаб бўлақлар, жимиб қолганида эса жаҳл билан уларни полга ташлар эди. Ўзини бундай тутишидан унингдек иродали инсоннинг ҳам роса йиғлагиси келаётганга ўхшарди.

Эр-хотин шундан сўнг оғир ўйга чўмиб, бир оғиз сўз котмай анча узок ўтириб қолишди. Аммо, бир пайт Верочка тўсатдан ўрнидан сакраб турди.

– Кулоқ сол, Коля, ҳозироқ йўлга тушишимиз керак! Тезроқ кийин.

Николай Евграфович ўта чарчагани, ҳолдан тойганлиги сабаб танаси зирқираб турганидан афтини бужмайтириб унга тикилди.

– Э-х, Вера, бемаъни гапларни кўй. Нахотки, мени ўзини оқлаш учун кечирим сўрайди, деб ўйлаётган бўлсанг. Ахир бу ўз-ўзимга ҳукм чиқаришдан бошқа нарса бўлмайди-ку. Ўтинаман, мени бундай тентакликка мажбур қилма.

– Йўк, бу тентаклик эмас, – дея, депсиниб, эътироз билдирди Вера. – Ҳеч ким сени бориб узр сўрайсан, деб мажбурламоқчи эмас... Агар у жойда ўша бемаъни буталар йўк бўлса, ҳозироқ уларни бориб ўтқазиш керак.

– Ўтқазиш?.. Буталарни-я?.. – дея, Николай Евграфовичнинг кўзлари олайиб кетди.

– Ҳа, ўтқазишимиз керак. Агар ҳақиқатан буталар бор, дея ёлғон гапирган бўлсанг, демак буни тўғирлашимиз керак. Бўлақол, менга шляпамни бер... Уст кийимимни ҳам... улар бу ерда йўк, шкафни қара... Соябоним!

Алмазов унинг гапига рози бўлмаган эса-да, беихтиёр шляпа ва уст кийимини кидирарди. Вера бўлса столнинг тортмалари, кийим жавонларини биттама-битта очиб ёпар, кийим-кечак турадиган пакет ва кутиларни титкилаб, сўнг бирин-кетин полга ташлаб, ниманидир излаётганди.

– Зиракларим... Аммо, у ҳеч нимага арзимаиди-ку... Унга ҳеч вако ҳам бермайди... Мана бу олмос кўзли узук эса кимматбаҳо... Сўнг, дарҳол гаровдан қайтариб олиш лозим... Ажралиб қолса, яхши иш бўлмайди. Би-лагузук-чи... бунгаям жуда оз тўлашади. Чунки, эски-

риб, қийшайиб қолган... Коля, айтганча, сенинг кумуш портсигаринг каерда эди?

Орадан беш дакика ўтиб, барча кимматбаҳо буюмлар Веранинг сумкачасига жойланди. Кийиниб олган Вера, бирор нарсани ёдидан чиқариб, уйда қолдириб кетмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун, охирги марта яна бир бор атрофга қайта кўз югуртириб чикди. Сўнгра:

– Кетдик, – деди, катъий оҳангда.

– Қаёкка борамиз ахир? – дея, яна эътироз билдирмоқчи бўлди Алмазов. Ҳозир бирпасда қоронғи тушадди, у жойгача салкам ўн километр масофа бор.

– Ҳеч нарса қилмайди... Қани кетдик!

Алмазовлар даставвал ломбард¹ га кириб ўтишди. Бу ердаги нарх белгиловчи ходим ҳар куни турли хил бахтсизликларга дучор бўлиб келган одамларни кўравериб кўникиб кетганидан, бу каби ҳолатлар унга таъсир ҳам қилмасди. У олиб келинган буюмларни ҳар жиҳатдан шунчалик синчиклаб текширди-ки, охири Верочканинг тоқати тоқ бўлаёзди. Айниқса, Вера унинг олмос кўзли узугини кислотага солиб, текшириб, оғирлигини ўлчаб, сўнг атиги уч рублга баҳолаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, дили оғриди.

– Ахир, бу соф бриллиант-ку, – эътироз билдирди Вера, – у камида ўттиз етти рубл туради.

Гаровга олувчи ҳорғин ва бепарво кўзларини қисиб,

– Бизга бунинг фарқи йўқ, хоним. Биз тошларни умуман қабул қилмаймиз, – дея жавоб берди ва навбатдаги буюмни тарози палласига ташлар экан, – биз фақат металл буюмларнигина баҳолаймиз, дея қўшиб қўйди.

Аммо, Вера учун кутилмаганда ўша эски ва қийшиқ билакузук анча қиммат нархда баҳоланди. Хуллас, уларнинг қўлида жами йигирма уч рубл атрофида пул тўпланди. Бу эса мўлжалланган суммадан ҳам ортиқ эди.

¹ Гаровхона.

Алмазовлар боғбонниги кириб келишганида, аллақачон Петербург узра ойдин тун пардаси ёйилиб бўлганди. Бу пайтда тилла кўзойнак тақиб олган, чех миллатига мансуб, жуссаси кичиккина кекса боғбон эндигона ўз оиласи билан кечки овқат учун дастурхон атрофига ўтирган экан. У миждозларнинг кечки ташрифини хушламади, аммо уларнинг ғалати илтимосидан жуда ажабланди. Афтидан, боғбон қандайдир фирибгарликдан шубҳаланаётганлиги ва шу туфайли эътироз билдирмоқчи эканлиги сезилиб турарди. Бироқ, Верочканинг қуюниб қилган илтимосидан сўнг, у:

– Узр, кеч бўлди, хафа бўлмайсизлар. Ярим окшомда ундай узок жойга ишчиларни юбора олмайман. Агар сизга тўғри келса, эртага эрталабданоқ хизматингизда бўламан, – дея, совуқкина жавоб қилди.

Энди фақат биргина йўл қолган – у ҳам бўлса, боғбонга ўша бадбахт доғ тўғрисида бўлган воқеани ётиғи билан тушунтириб бериш керак. Албатта, Верочка шундай қилди ҳам. Машъум воқеани тинглар экан, боғбон дастлаб уларнинг гапига ишонқирамади. Аммо, вазиятдан қутулиш учун ўйлаб топилган Веранинг ўша жойга кўчат ўтказиш ҳақидаги қарорини эшитгач, уни диққат билан тинглай бошлади ва бир неча бор хайрихоҳлик билан мийиғида қулиб ҳам қўйди.

– Хўп, майли, оддийгина иш экан-ку, – дея, сўнг розилик билдирди боғбон. Вера ҳикоясини тугатгач эса, – энди ўзларинг айтинглари-чи, қандай дарахт ёки гул кўчатини ўтказмоқчисизлар? – деб сўради.

Бироқ, боғбоннинг бисотида бор бўлган бирорта ҳам дарахт ва бута турлари режа чизмасидаги “доғ”нинг кўринишига сира мос келмасди. Ва ниҳоят уларга ноилож наставин бутасини танлашдан ўзга чора қолмади. Алмазов рафикасини уйга жўнатмоқчи бўлди, аммо

унинг бу ҳаракатлари беҳуда кетди. Вера эри билан бирга шаҳар ташқарисига йўл олди. У иш охирига етмагунча, ишчиларнинг ишига ҳам ўралашиб, куйиб-пишиб уларнинг ёнида куймаланиб юрди. Ниҳоят, кўзланган жойга настарин бутаси ўтказилиб, янги ўтказилганлиги билиниб қолмаслиги учун, унинг атрофига шу ерда ўсиб ётган майсаларга ўхшаш чим тўшалгандан кейингина, кўнгли жойига тушиб, шундан сўнг уйга кетишга қарор қилинди.

Вера эртаси кун эри то қайтгунича ҳаяжонини босолмай, уйда тиниб-тинчиб ўтиролмади. Ва ниҳоят, унга пешвоз чиқиш учун кўчага отланди. Узоқдан келаётган эрини бир кўришданок таниди, унинг илдам қадам ташлаб қайтаётганлигини кўриб, бута воқеаси муваффақиятли якун топганини сизди... Ҳақиқатан ҳам Алмазов мамнун киёфада, яйраб келарди. Ўта ҳориб-толгани ва қорни очлиги туфайли оёқда базўр юриб келаётганини ҳисобга олмаганда, унинг чехрасида ҳақиқий ғалаба нишонаси барқ уриб турарди.

– Ҳаммаси зўр бўлди! Жуда аъло! – дея, хавотирда унга тикилиб турган хотинига қараб, ўн қадамча наридан туриб шодон қичқирди. – Ўзинг энди бир тасаввур қилиб кўр, биз у билан бирга шу кечада ўтказилган ўша буталарнинг олдига бордик. У буталарга қайта-қайта тикилиб қараб, хайрон бўлиб қолди, хаттоки унинг баргини узиб, чайнаб ҳам кўрди. Сўнгра, “Бу қанақа дарахт?” дея, сўради. Мен эса: “Билмайман, жаноблар”, дедим. – “Қайин дарахти бўлса керак”, деди у. Мен ҳам: “Худди шундай, қайин дарахти бўлиши керак,” – дея, жавоб қайтардим. Шундан сўнг у мен томонга ўгирилди ва хаттоки қўлини узатиб, “Мени авф этинг, поручик. Модомики, шу буталарни унутган эканман, демак мен қарияпман шекилли”, деди. У чинданам

олийжаноб, буюк инсон, профессор, жуда ақлли киши. Очиғини айтсам, энди уни алдаганим учун виждоним кийналяпти. У энг кучли профессорларимиздан бири. Билими – даҳшат, мўъжизанинг ўзгинаси. Худудларга таъриф бериш, фикр билдиришда аниқ ва тезкорлигини айтмайсанми – ҳайрон қоласан киши, қойил!

Аммо Вера учун унинг бу айтиб берганлари камлик қилди, коникмади. У эридан Профессор билан бўлиб ўтган суҳбатнинг барчасини, ипидан игнасиғача қайта-қайта айтиб беришини сўрайверди. Уни эри билан профессор ўртасида бўлиб ўтган суҳбатнинг майда-чуйда тафсилотлариғача, хаттоки профессорнинг қай оҳангда сўзлагани, қариётганлиги ҳақида гапирганида унинг юзидаги ўзгаришларғача ва ўша пайтдаги Колянинг ичидан ўтган ҳис-ҳаяжониғача кизикаётган эди...

Нихоят, улар уйи томон кета бошладилар. Гўёки кўчада улардан бошқа ҳеч ким йўқдек, шундай бир-бирининг кўлидан ушлаб олганча, бемалол, тўхтамасдан кулишардилар. Уларни кўриб, таажжубда қолган йўловчилар бу ғалати жуфтликка яна бир бор қараб, уларни қайта кўриш учун кетаётган йўлларида ҳам тўхтаб, қарашарди...

Николай Евграфович шу пайтгача ҳеч қачон бугунгидек зўр иштаҳа билан овкатланганини сира эслай олмайди... Тушликдан сўнг эса Вера эрининг хонасига стаканда чой олиб кирар экан, эр-хотин бирданига бир-бирига қараб кулиб юборишди. Шундан сўнг,

– Нега куляпсан? – дея сўради Вера.

– Ўзинг-чи?

– Йўқ, аввал сен айт, кейин мен айтаман.

– Ўзим, шунчаки, ҳалиги, оддий настарин бутаси билан боғлиқ воқеа ёдимга тушиб кетди. Ўзинг-чи?

– Мен ҳам шунчаки, ўша – настарин воқеасини эслаб. Айтганча, яна сенга шуни ҳам айтмоқчи эдим-ки, энди настарин менинг энг сеvimли гулим бўлиб қолади.

Бу воқеа беҳисоб даромадини дунёнинг турли жойларидан келтирилган камёб ва бир-биридан чиройли турфа гуллар парваришига бағишлаган миллионер, аммо одамови бўлса-да ажойиб бир инсонга тегишли оранжереяда содир бўлган эди. Ўзига хос қурилмага эга бўлган ушбу иншоот кенглиги ва унда тўпланган ўсимликларнинг қимматбаҳо ноёблиги билан жаҳондаги энг таниқли оранжереяларни ҳам ортда қолдириб кетиши мумкин. Бунда турли-туман тропик ўсимликларнинг жуда кўплаб, антика турларидан бошлаб, энг нозик ва инжик, рангпар момикларгача худди ўз ватанидаги каби, яйраб-яшнаб ўсиб ётибди. Бир қатор, савлат тўкиб турган ҳар хил пальмалар, банан, саго ҳамда кокос каби анжирсимон бўйчан дарахтларнинг яланғоч шохлари учигаги кенг соябон ёки улкан елпиғичларни эслатувчи япроқлари баланд иссиқхонанинг ойналишифтигача тегиб турибди. Улардан ташқари бунда кўплаб ғаройиб обнус дарахти ва унга ўхшаш ўсимликларни ҳам учратиш мумкин. Улар орасида кўриниши қора, метиндек мустахкам ва унинг танасига келиб теккан ёки қўнган ҳар қандай ҳашароту қурт-қумрскаларни шу захотиёқ япроқ ва гуллари билан қисиб олиб, уларни сўриб озиқланувчи йиртқич мимозалар ҳамда танасидан худди қонга ўхшаш, қуюқ қизил захарли суюқлик томиб турувчи драценалар ҳам бор. Оранжереяда кенг айлана шаклидаги ажойиб сув ҳавзаси бор. Унинг тип-тиниқ, зилол сувининг юзасида яшил кенг япроқларининг ҳар бири бир гўдакни бемалол кўтара оладиган, мафтункор сув ўсимлиги – шохона Викториялар ҳам ажиб бир алпозда сузиб юради. Ушбу бетакрор оранжереяда фақат окшом палласи гуллагувчи оппок

хинд нилуфарлари ҳам талайгина. Улардан ташқари, текис девор юзаси бўйлаб басма-бас кад рослаб турган тўқ яшил рангли хушбўй сарв дарахтлари, нозик оч пушти рангда гулларга бурканиб ётган самбитгуллар¹, ҳар фаслда ям-яшил бўлиб яшнаб турувчи хушбўй мирта буталари, муаттар бўйли турфа хитой дарахтлари, ажойиб манзарали қаттиқ япроқли фикуслар, жануб акацияси, дафна, апельсин ва бодом каби дарахтлар жой олган.

Ранг-баранг тахир бўйли чиннигуллар, яшнаб турувчи япон хризантемалари, намозшомдан олдин гўё таъзим қилаётгандек, оппоқ гулларини заминга эгиб оладиган, ўйчан наргис гуллар, қабр даҳмалари, макбараларга безак берувчи сунбул ва шаббўйлар², кумуш кўнғироқчали маъсум марваридгуллар, хуш бўйи билан ҳар қандай кишини сармаст қилувчи оппоқ панкреациялар, худди бошига нофармон ва қизил телпак кийиб олгандек, солланиб турган йирик думалок гулли гортензиялар, камтарин хушбўй бинафшагуллар, асли макони Ява ороли бўлган ўта муаттар ок табаргуллар³ ва улардан ташқари дуккаклилар оиласига мансуб жуда кўплаб турли хушбўй ўтсимон ўсимликлар, хуш бўйи атиргулни эслатувчи пионгуллар чаманзор бўлиб ётибди. Қадимдан рим гўзаллари кайд этганидек, терига ажиб тиниклик ва майинлик бахш этгани боис улар севиб, ювиниш ванналарига соладиган вервеналар ва ниҳоят бир-биридан бетакрор қирмизи, жигарранг, пушти, сарик, малла ва кўзни камаштирувчи тиниқ, оппоқ кумушдек товланиб турган турфа атиргуллар, қийғос

¹ Олеандр

² Хочгуллиларга мансуб хушбўй гулли декоратив ўсимлик

³ Тубероза

очиlib ётган минглаб бошқа муаттар гулларнинг атри оранжерея ҳавосини буткул жаннатмонанд хушбўйларга тўлдириб туради.

Улардан ташқари бу ерда ўсаётган совукка чидам-ли Камелия яшил бутаси, ранг-баранг азалиялар, хитой лилиялари, Голландиядан келтирилган лолалар, ёркин рангларда жилоланиб турган улкан георгиналар ва калин баргли астралар хушбўй таратмасалар-да, ўзининг бетакрор гўзал жилваси билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

Аммо, улардан фарқли ўлароқ оранжереяда на бир кўриниши, на хуш бўйи ва на бошқа бирор хусусияти билан деярли ҳеч қандай аҳамиятга молик бўлмаган, шунчаки эътибордан четда, ўз-ўзича ўсиб ётган бир қизик ўсимлик ҳам бор. Унинг илдизидан бошланиб ўсиб чиққан каби, атрофи калин тиканлар билан қопланган ингичка узун барглари ҳар томонга қараб қулоч ёйиб ётибди. Ергача тўшалиб ётган ўнга яқин бундай барглари-ни у ҳеч қачон тепага қўтаришга ҳаракат ҳам қилма-гандек гўё. Анчайин ғалати ушбу ўсимликнинг барглари кун давомида муздек, кечаси иссиқ бўлади. Япроқлари орасида гуллари бор ёки йўқлигини кўриб бўлмас, аммо гул ўзаги узун тик бўлиб, тепага қараб чўзилиб турган ушбу ўсимликнинг номи Сабур деб аталади.

Оранжереяда ўсаётган барча гуллар ва ўсимликлар қандайдир бир сирли, одамларга тушунарсиз бўлган ажиб тарзда ҳаёт кечиришар, ўзаро мулоқат қилишарди. Тўғри, уларнинг сўзлашувга забони бўлмаса-да, қай бир йўсин-дадир бир-бирини тушунардилар. Аммо, қандай қилиб? Бу жуда қизик! Балки бундай алоқада улардан таралувчи турли-туман хушбўйлари хизмат қилар? Ёки гул чанги-ни бир гул косасидан иккинчисига олиб сепувчи шамол ёрдам берармикин ва ёйинки ушбу улкан иссиқхонанинг

ойнали тому деворлари оркали тушаётган қуёшнинг илик нурлари сабабмикин? Ҳар не бўлганда ҳам, улар орасидаги бу каби мўъжизавий ҳолатни тасаввур қилиш учун асалари ва чумолиларнинг бир-бирини тушунишларини кўз олдимизга келтириб кўрсак, бунга ишонмай ёки қойил қолмай илож йўқ. Бундайин ажиб мулоқотлар нега энди табиатнинг энг гўзал мўъжизаси бўлган, гуллар ва ўсимликлар ўртасида бўлмаслиги керак, албатта, бўлади-да!

Бундан ташқари уларнинг қай бирлари ўзаро ажаб ишқ, муҳаббат, дўстлик ва меҳр ришталари билан боғланиб, янада бир-бирига яқинроқ бўлиб қолган бўлса, қай бирлари ўртасида қандайдир зиддиятлар, келишмовчиликлар ҳам пайдо бўлиб турарди. Кўпчилиги эса ўзининг гўзаллиги, муаттар бўйи ва ҳаттоки бўйи узун, қадду қомаги тиклиги борасида ҳам ўзаро рақобатга киришарди. Яна қай бирлари қадим аجدодларининг келиб чиқиш тарихи билан ғурурланишарди. Баъзида, айниқса, гўзал тароватли баҳор тонгларида, қуёш қир-адирлар ортидан бош кўтариб, атроф-оламга заррин нурларини чараклатиб соча бошлаган дамда бутун оранжерея тилла рангда товланиб, гул япроқлари ва гулгунчалар тебраниб, улар устига ёғилган олмосдек шудринг томчилари титраниб турган кезларда улар ўртасида тинимсиз шивир-шивирлар бошланиб, ажиб бетакрор, ҳуш бўйли суҳбатлар авж олиб кетарди. Суҳбатлар кўпинча олиб келинган, олис-олисларда ястаниб ётган бепоён дала-даштлар, қир-адирлар ва унда таралиб турувчи ёқимли хушбўйлар тарихи, соя-салқин, намчил ўрмонлар бағридаги кўрган-кечирган воқеалар, ундаги ғалати, ола-була ўсимликлар, турли-туман ҳашаротлар ва албатта, қадрдон она ватан соғинчи, унинг ойдин, осуда окшомлари, тиниқ осмони, кенг дала, ўрмонларининг тоза, соф мусаффо ховоси тўғрисида кечарди.

Аммо бундай кезларда ҳам уларнинг барчаси бир тараф, уларга қўшила олмай, зимдан кузатиб тургувчи бахтикарро, беўхшов Сабур дарахти бир тараф бўлиб, ажралиб турар эди. Шунча йиллар давомида унга ҳеч қайси ўсимлик ёки дарахтлардан бирортаси заррача эътибор кўрсатмади, назар-писанд қилмади. У ҳеч қачон на бирорта гул ва на бирор ўсимлик билан дўстона ёки бирор яқин муносабатда бўлганини, дардлашганини эслай олмайди. Шунча фурсат ўтибдики, уларнинг бирортаси на ишқи, на меҳри билан унинг юрагини жизиллатмади, ёки унинг қалбида бир чимдим меҳр уйғотолмади. Аксинча, шу пайтгача доимо уни кўрсатиб, пичинг қилишлари, масхара қилиб устидан қулишлари уни буткул зада қилган ва бу ҳолатнинг ниҳояси йўқдек эди. Чунки ўзига бино қўйган бу гўзал гулларнинг ҳеч бири Сабур каби беўхшов, хунук ўсимликнинг ёнида туришини хоҳламас, ҳеч қайсиси уни ўзига муносиб кўрмасди. Йиллар давомида кечган бундай ҳақоратомуз муносабатлардан безор бўлган, ўксиган Сабурнинг кўнглида эса буларнинг барчасига нисбаттан нафрат пайдо бўлди. Қалбининг туб-тубида янада авж олаётган нафрат ўти, бора-бора уни кўп кийноқларга солди. У бечора азоб чекаётганини ҳеч кимга билдирмасликка, барчасини ичга ютишга ҳаракат қиларди.

Кунлардан бир куни, июль ойининг эрта тонглари-дан бирида иссиқхонада ўта камёб ва бетакрор кашмир гуллари-дан бири очилди. Ёниб турган кирмизи гулбарглари-нинг хиёл қайрилган жойлари қора бахмалдек товланар ва ундан ниҳоятда ёқимли, хушбўй ифор тараларди. Оранжереянинг ойнали деворларидан қуёшнинг илк нурлари туша бошлаганида, оқшомги енгил мудрокдан сўнг бирин-кетин уйғона бошлаган гуллар тонг чоғида очилган мўъжизавий гўзал атиргулни кўриб, хайратла-

нишди ва ҳар тарафдан уларнинг шивир-шивири эшитила бошлади.

— Во, ажаб! Бу Атиргул мунчалар чиройли бўлма-са! Қаранглар, қандайин хушрўй, қанчалар хушбўй! У жамоамизнинг энг гўзал зийнати, фахри бўлади! Сен бизнинг Маликамизсан!

Ушбу мактовларни тинглаб, яйраб ва уялинкиб турган кирмизи Атиргул, куёш нурларининг заррин ёғдусида янада ял-ял ёниб, товланиб, турфа гуллар орасида чинданам маликага ўхшаб кетарди. Унга махлиё бўлган барча гуллар ажиб гултожларини эгиб, ўсимликларга салом бергандай эгилиб, гўё таъзим бажо келтиришди.

Шу тобда эдигина уйғониб кетган бахтиқаро Сабурнинг ҳам кўзи ногоҳ гўзал Маликага тушди-ю, хайратдан эс-хушидан айрилаёзди. Атиргулнинг тароватидан калби завкка тўлиб,

— О, гўзал Малика! Сен бунчалар сохибжамолсан! — деб, юборди беихтиёр.

Унинг калбидан отилиб чиққан бу самимий сўзларни атрофдагилар ҳам эшитишди ва бир нафасдан сўнг уларнинг барчаси ўзларини тутолмай, хахолаб кулиб юборишди. Шунда димоғдор лолалар бирин-кетин чайкалиб, “қах-қах” уришди. Кулгудан, кадди комати тик, кеккайган пальма дарахтларининг барглари силкина бошлади, ок марваридгулларнинг қўнғироқлари жаранглаб кетди. Ва ҳаттоки, камсукум эҳтиёткор, раҳмдил бинафшагуллар ҳам ўзларини тутолмай, тўқ рангли думалок гулбарглари орасидан мийиғида кула бошладилар.

— Ў-ў, бадбашара! — дея, кичкирди кулгудан нафаси қайтиб, салкам ўлаёзган, ўзи кўтаролмаган семиз танаси таёкка боғлаб қўйилган Пион. — Сен кимга гапираяпсан? Бундай мактовларни айтишга сендек бир тасқаранинг қандай ҳадди сизди? Ахир, қара, ҳаттоки,

завқланиб туришинг ҳам қанчалар хунук ва ёқимсиз эканлигини наҳотки ўзинг англаб етмасанг?

Шу тобда, барчанинг эътиборини тортиб,

– Бу ким ўзи? – дея, унга қараб майин жилмайганча сўради, гулларнинг навнихол Маликаси.

– Бу бадбашарами? – дея, қийкирган, баланд овозда ҳақорат қилишда давом этди Пион. – Биз ҳеч қайсимиз унинг кимлигини ва қаердан келиб қолганини ҳам билмаймиз. Исми ҳам жуда ғалати, ўзига ўхшаш – Сабур.

– Мени бу ерга олиб келишганида, хали кичкина, но- зик новдача эдим, – дея, таъкидлади баланд бўйли, эски Пальма. – У ўшанда ҳам жуда баҳайбат ва ўта хунук эди.

– Мен билганимдан бери, анча йиллар бўлиб кетди, у ҳеч қачон гулламаган ҳам, гуллолмайди шекилли, – дея шама қилди, баҳсни кузатиб турган ок Самбитгул.

– Қаранглар, бунинг устига бутун танасини кўпол- дан-кўпол тиканлар қоплаб олган, – дея, гапга қўшил- ди, узоқдан қараб турган бир ўсимлик бутаси. – Аммо, ҳайронман, бу ерда бизни парваришлаётган одамлар- нинг барчаси негадир биздан кўра унга эътибор бери- шади, негадир кўпроқ уни авайлашади. Шунга қараган- да у балки қандайдир қимматбаҳо нимадир бўлиши ҳам мумкин, янаям билмадим.

– Бунинг сабабини мен биламан, – дея, масхара қи- лишни давом этди, пионгул. – Чунки унга ўхшаш ўта беўхшов, бадбашара ўсимликлар жуда ноёб, юз йилда аранг бир топилиши мумкин. Шунинг учун унинг но- минини яна бошқача қилиб, юз йиллик, деб ҳам аташади.

Шундай қилиб, эрта тонгда бошланган суҳбат мав- зуси кун ярмигача давом этди. Бу ердаги гулларнинг барчаси бечора Сабурнинг устидан беаёв масхара қи- либ қулишди. У эса ҳар доимгидек муздай баргларини ерга тирагунча, жимгина миқ этмай тураверди.

Чошгохдан сўнг чидаб бўлмас даражада ҳаво димикиб кетди. Шундан сўнг момақалдирок ёки жала ёғиши сезила бошлади. Осмонда сузиб юрган булутлар аста-секин қуюклашиб, қорамтир тусга киришди. Сал ўтиб эса, нафас олиш ҳам кийин бўлиб қолди. Гулларнинг бари бирин-кетин ҳолсизланиб, нозик бошларини ҳам қилгунича, қимир этмай ёмғир ёғишини кутишди.

Нихоят, худди олисдан тобора яқинлашиб келаётган йиртқич махлуқ қийқириғига ўхшаш овоз – гумбурлаган момақалдирок эшитилди. Бирпасдан сўнг боғбонлар ҳар доимгидек жала ёғишидан олдин кечадиган бўғиқ сукунат пайтида тезкорлик билан иссиқхонанинг ойнали томини ёпиб қўйган оғир доскалар устидан шатирлаб ёмғир қуя бошлади. Бир зумда оранжереяни худди кечасидагидай қоронғулик қоплади.

Айни шу тобда ногаҳон, эрта тонгда очилган Атиргулнинг ёнида қимнингдир сокин, дардли хониши эшитила бошлади:

– Эй, гуллар Маликаси, сўзларимга бир лаҳза кулок сол. Бу мен, ўша бахтиқаро, омадсиз Сабурман. Тонг чоғида сенинг гўзал хусну жамолингни кўриб, ақлу хушимдан айрилдим. Сен эса менинг забун ҳолимни кўргач, ажиб жилва қилдинг. Чиройинг олдида хайрат ичра донг қотган сармаст ҳолатим гунча лабларинг узра ёйилган майин табассумга сабаб бўлди. Сенга бўлган ишқим, шайдолигим, қалбимни ўртаётган ҳис-ҳаяжонлар ҳамда ташқарида шаррос қуяётган ёмғир туфайли чўккан қоронғулик мени янада дадил бўлишга, кўркмасликка ундаяпти. Эй, гўзаллар гўзали, мен сени севиб қолдим. Ўтинаман, муҳаббатимни рад этма!

Бу сўзларни эшитган Атиргул димикқан ҳаво, қоронғулик, ҳамда ташқаридаги момақалдирокдан даҳшатга тушиб турган ҳолатда ҳеч нарса деёлмади.

– Эй, сохибжамол, сўзларимга кулок сол. Тўғри, менинг кўринишим жуда кўпол, тиканли баргларим хунук бўлиши мумкин. Аммо шу тобда мен сенга ажиб бир сирни ошкор қилмоқчиман. Американинг олис, қўлетмас қалин ўрмонлари бағрида улкан минг йиллик дарахтлар танасига лиана деб аталувчи чирмовуклар чирмашиб ўсиб ётадиган, табиати бетакрор гўзал жойлар бор. Ҳали бирор одам оёғи етмаган ўша сўлим маскан менинг ватаним бўлади. Мен юз йилда бир марта атиги уч соатгина гуллайман ва сўнгра халок бўламан. Илдимдан яна юз йилдан сўнг гул очиб ва ўша соатларда дунёдан кўз юмгувчи янги новда ўсиб чиқади. Мен айнаи дамда бутун вужудим билан бир неча дақиқалардан сўнг ана шундай гуллашимни сезиб турибман. Эй гўзал! Сендан ўтинаман, бугун ёруғ дунё билан видолашув чоғида мени ёлғизлатиб қўйма, мендан юз ўгирма. Ишон, ҳаётим мобайнида қаршингдаги каби ажиб ҳолатга тушмаганман. Сени севиб қолдим! Ва бугун мен қалбимда олов олаётган сенинг мухаббатинг учун гуллайман ва ишқинг билан ёруғ оламдан кўз юмаман!

Аммо унинг бу сўзларини тинглаб турган Атиргул бошини ҳам қилгунича, жавоб айтмади.

– Ягонам, омонатим, Атиргулим! Умримнинг поёнидаги сўнгги, энг кадрли, бетакрор бахтли онларимни ёлғиз сенга бағишлайман. Ишқ ҳаққи, мухаббат ҳаққи сени ва ҳаётни қучиб қоламан. Аммо наҳотки, сенинг шоҳона мағрурлигинг олдида ошикона дил сўзларим, умримнинг энг ғанимат, энг азиз, сирли куйлари ичра кечаётган шу ҳолат – иқрорим камлик қилса? Ахир, эрта тонгда қуёшнинг илк нурлари пайдо бўла бошлагач...

Шу пайт ташқарида момакалдирок шунчалар дахшатли гумбурладики, Сабур сўзлашдан тўхташга мажбур бўлди. Тонг олдидан жала тингач, оранжереяни

милтиқдан отилган ўқдай баланд овозда “карс-курс” этган сас тутиб кетди.

— Сабур дарахти гуллаяпти, — дея, боғбон, икки ҳафтадан бери ушбу мўъжизани интизорлик билан кутаётган оранжерея эгасини уйғотиш учун югуриб кетди.

Ойнали деворлардан доскалар олиб ташланди. Барча одамлар Сабур дарахтининг атрофида жам бўлишди. Гуллар, ўсимликлар ҳам кўркув ва ҳаяжон ичида бошларини унга қараб буриб, кузатиб туришди.

Сабур дарахтининг узун яшил танаси учиди бир тўп мисли кўрилмаган даражада гўзал оппоқ гуллар очила бошлади. Атрофга ажойиб, бетакрор, жуда ёқимли, ҳар қандай кишини сармаст қилгучи муаттар бўй таралиб, бирпасда бутун оранжерея ҳавосини чулғаб олди. Орандан ярим соат чамаси вақт ўта бошлагач, унинг оппоқ гуллари ажиб бир афсонавий тарзда аста-секин пушти рангга, сўнгра хиёл қизариб, кейинроқ тўқ қизил, охири қариб қора рангли тусга кирди.

Эрта тонгда қуёшнинг илк нурлари пайдо бўла бошлагач эса, Сабур гуллари бирин-кетин сўла бошлади. Унинг орқасидан ўша хунук тиканли барглари ҳам қуриди. Ва ниҳоят, ушбу ноёб гулнинг умри яна юз йилдан сўнг қайта гуллаш учун барчани хайратда лол қолдириб, ҳазон бўлди.

Бетакрор гуллар маликасининг муаттар бўйли, мағрур боши эгилди.

БРЕГЕТ

Мен декабрнинг ўша кунги узун кечасини яққол эслайман. Айлана стол атрофида осилиб турган ёп-ёруғ чироқ нурида қалин ва эскилигидан титилиб кетган китобнинг мен учун қадрли ва ёқимли хотираларни эслатувчи “Шимол боларилари” номли жилдини ўқиб

ўтирардим. Ҳар доим Ружичнийга рождество таътили-
га келганимда, албатта бу китобни диққат билан бо-
шидан то охиригача қайта ўқиб чиқардим. Амаким,
Василий Филиппович менга карама-карши, пастаккина
кўк чармдан килинган ўриндикда подагра билан оғри-
ётган оёғини ола-була йўлбарс нақшли кўрпа билан
ўраб олиб, тўғрисидаги стул устига қўйиб ўтирар эди.
Унинг юзи соя тушиб турганидан, кўринмас, фақатгина
оппоқ кўркинчли калин, узун мўйлови ва унинг ораси-
да турган трубкасига ёруғликда, ғалати бир кўринишда
кўзга ташланиб турарди. Мен ҳар замон ўкиётган ки-
тобимдан бошимни кўтариб, ховлида увуллаб, дайдиб
юрган изғиринга кулоқ тутардим. Назаримда, тиним-
сиз келаётган овозда қандайдир ваҳимали, ғам ҳамда
қаҳру ғазаб аралаш даҳшатли бир таҳдид бордек эди.
Унинг ҳайқириғи, аввал ғалати бўғиқ нола каби увул-
лашдан бошланиб, баланд чинқирикка ўхшаш овозга-
ча кўтарилар, сўнг яна аста-секин бир зайлда тинарди.
Бу пайт дарахтлар ҳам баланд шохларини тебратиб
силкинар, шамол хуштак чалиб, гоҳо най навосидек
нола чекар, бўрон ҳар гал шиддат билан кучайганида
аллаким ташқаридан бир ховуч курук қорни деразага
отиб юборгандек туйилар эди. Қачонки, бу каби ибли-
сона концертга кулоқ тутарканман, беихтиёр шаҳар-
дан олисда, кўнгилга яқинларимдан айро, мунг торт-
ган қорли текисликда унутилган помешчикнинг кўҳна
бир кулбасида касалманд, қартайиб қолган чол билан
юзма-юз ўтириб қолиб кетадигандек, ташқарида увул-
лаб қалбимни бездириб, беҳузур қилаётган бўрон, бир
зайлда чикиллаётган соат маятнигининг овози эса ҳеч
қачон тинмайдигандек туйиларди, гўё...

– Сен тасодиф, дейсан, – дея, Василий Филиппович
ўриндикдан оғир қимирлаб, гавдасини тўғирлаб ол-

ди-да, ёруғликни кўли билан тўсиб, тўсатдан гап бошлади. — Аммо сен ҳаётнинг баъзан канақадир кутилмаган ҳазилларини бошлаб, ҳеч қандай мохир ёзувчи ҳам ўйлаб тополмайдиган даражада ўзгаришлар қилиб юбориши мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан?..

Чолнинг сўзларини тинглар эканман, аввалига унинг бу гапи билан нимага шама килаётганини тушунолмадим, сўнгра тушлик пайтида у билан китобий поэтик тўқималар ҳамда уларнинг қанчалар чексизлиги тўғрисида суҳбатлашганимиз ёдимга тушди ва уни гапга солдим:

Нега бу ҳақида сўраб қолдингиз, амаки?

Шунчаки... мана энди ўтирибман-да... атроф жимжит... ташкарида об-ҳаво ҳам ўзига яраша... истайсанми, йўқми эски нарсалар ёдга тушаверади... илгари бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушгани учун айтдим-да...

Амаким касал оёғини қийналиб, узок сийпалаб ўраб олди ва анча пайт жимиб қолди. Шундан сўнг яна гапиди давом этди:

Бир вақтлар биз ротмистр фон Ашенбергникида туғилган куни муносабати билан берилган зиёфатга йиғилдик. Қиш кунларидан бири эди. Сенга айтиб ўтишим керак, ўшанда бизнинг N инчи гусарлар полкимиз эндигина венгер компаниясидан қайтиб келган ва бошлиқларимиз қишлоқдаги ўта ташландик қароргоҳларга жойлаштирган эди. Бегона хилват жойларда юриш, қайғу-хасрат, зерикишлар ҳаддан ташқари бездириб юборганди. Биз ён атрофни айланиб чиқардик, аммо унинг нимаси қизик? Ўшанда зерикиб, ноиложликдан узлуксиз ичкиликвозлик қилиш, карта ўйнашдан бошқа ҳеч бир иш қолмаганди. Ўзимизча қуйидаги мисраларни қайта такрорлардик:

... ким кунига икки марта маст бўлмас,

Билингки, у жангчи ё аскар эмас...

Хуллас, шундай қилиб биз яна йиғилишдик. У ерда аввал бошлаб, штаб-ротмистр Иванов 1 чи... сўнгра полк ичидаги қариялар, халқ майдалашиб, заифлашиб кетаяпти, шунинг учун ҳам ёшлар ҳеч нарсага ярамай қолаётир, дея, шикоят қила бошлашди. Шунингдек, штаб-ротмистр ҳам бизнинг устимиздан нолишни давом эттирди. Сенга айтишим керак, у полкдаги ягона катта офицер эди ва уни ҳамма яхши биларди (бутун полк у билан фахрланарди), бир пайтлар у Денисинг ўзи билан жуда якин бўлган, бир-бирларини сенлашиб муомала қилишарди. Бурцев билан бирга ичишиб, бирин-кетин олти ой давомида тинмай тўпаланг қилишганди. Ундан сўнг енгил кавалерияда ўзининг ажойиб овози билан танилган, майор Кожин ҳам бор эди. У ҳақида эсласам, овози ёдимга тушади, қандай овоз экан у, дея ҳайрон қоламан. Баъзида, ичкиликбозлик мароқ билан давом этаётган пайтида, шунай стаканни қўлига олар эди-ю оғзига қуйиб ажабтовур қийкирарди. Мана, қара буни, эшитиб сен ҳам кулаяпсан. Аммо, мен чиндан гапираяпман, ишон, охирида унинг қўлида факат шиша қолдиқлари қоларди. Икки нафар, Резников ва Белаго деган поручиклар бўларди. Биз уларни “инсепарабллар”¹, ёки эр-хотинлар деб ҳам атардик, чунки улар ҳеч қачон бир-биридан ажралмас, қаерга борса, бирга боришар ва ҳар доим бир хонада туришарди. Яна казак ясовул, Сиротко ҳам бор эди. У ҳар гапнинг бирида “типратикан калла”, деган сўзни кўп ишлатгани учун, унинг ўзини ҳам “типратикан калла”, деб атар-

¹ Айрилмаслар (фр. inseparable)

дик. Кейин корнет¹ граф Ольховский бўларди, у бизга харбий мактабдан юборилган, шунчаки лапашангрок, жуссаси кичик, ўзига яраша ўжарлиги ҳам бор, аммо меҳрибон бола эди. Компанияда поручик Чекмаров дегани бўларди, у ҳамманинг арзандаси ва эркатойи эди. Ҳатто штаб-ротмистр Иванов 1 чи ҳам унинг номини яхши мавзуларда тилга олиб ўтарди: “Мана шу болакай хакикий гусар, хакикий енгил кавалерия аскар, қаерга бормасин, ҳеч қачон панд бермаган...” Кувнок, эпчил, сахий ва кўркам, моҳир чавандоз, ажабтовур раққос, хуллас, бир сўз билан айтганда, ажойиб ўсмир. Аммо, хайронман, бизнинг кўпол, нафисликдан йирок қаттиқ юракларимиз уни нимаси билан ўзига тортди экан, чунки ўта нозиктаб, бунинг устига кулишлари, қарашлари ҳам жозибали эди. Яна сенга шуни ҳам айтишим керакки, булардан ташқари у жуда бой бўлиб, ҳамёни ҳамма учун очик эди.

Бир куни бўйдоқлар йиғилиб, бир жойга тўпландик (полкимизда уйланганлар атиги икки нафар эди) ва ҳаддан зиёд тўйиб, кўп ичдик. Мезбоннинг соғлиғи учун, қадахларни айлантириб, қаторлаштириб кўйиб, хофизларни чақириб ҳам ичдик. Полк оркестри билан оркестр садолари остида ҳам ичдик. Ясовул Сиротко – “типратикан калла” ҳар қадах кўтарганида матал айтарди: “Икки этик бир бутун, учовлонсиз уй қурилмас, тўрт бурчаксиз уйни кўтариб бўлмас”. Ўзиям, шунга ўхшаш элликка яқин мақол айтди, кейинчилари айний бошлади, қолганларини оғизга ҳам олиб бўлмасди.

Шунда кимдир, афтидан, “инсепарабллар”дан бири, куни кеча граф Ольховскийнинг уйига қимор ўйнашга борганини айтиб қолди. Маълум бўлишича, у бир ярим минг пул, қоратўриқ чавқар от ва Швецарияда ишлаб

¹ Инкилобдан олдин Россияда отлик аскар офицерларининг кичик унвони.

чиқарилган машхур кимматбаҳо брегет – тилла соатини ютиб олган экан. Ольховский ўша захотиёк бизга яраклаб турган, ўйма нақшли безак бериб ишланган жуда чиройли бир соатни кўрсатди. Ҳақиқатан у антика соат эди. Тепасидаги тугмачасини босганда, дакика ва сониялар қанча бўлганини айтиб, оҳангдор куй чаларди. Қадимий соат.

Ольховский бирмунча гердаиб турди.

– Бу, – дея, гап бошлади у, – жуда камёб матоҳ. Уни кўлимдан ҳеч қачон туширмайман. Назаримда, бунга ўхшаш соатлар дунёда фақат икки ёки учтагина нусхада бўлиши мумкин.

Чекмарев эса, унга қараб жилмайди.

– Сиз соатингиз ҳақида мақтовни ўта ошириб юбояпсиз, шекилли. Ҳозир мен ҳам сизга худди шунақа соатни кўрсатишим мумкин. Улар сиз ўйлаганчалик камёб эмас.

Ольховский ишонқирамай бошини чайқади.

Сиз уни қаердан топасиз? Кечирасиз-у, мен бунга ишонмайроқ турибман...

Ихтиёрингиз. Хохласангиз гаров ўйнаймиз?!

Бажонидил... Қачон олиб келасиз? Лекин, уларнинг бу гаров ўйини йиғилганларга умуман қизик эмас эди. Шу пайт уларнинг бу тортишувини кузатиб, ҳафсаласи пир бўлган ясовул Сиротко Ольховскийнинг ёнига келиб, уни дарвоза ёнига етаклаб борди-да:

Менга қаранг, типратикан каллалар, ўтирган жойларингда ҳар қанақа бемаъниликларни ўйлаб топаверманглар. Бу ерга нима учун йиғилганмиз. Ичишми, ичиш, ичиш бўлса ичайлик, агар ичмасак, бундан кўра карта ўйнаганимиз яхшироқ...

Ичкиликбозлик янада авж олиб, давом этди. Тўсатдан Кожин ўзининг дўриллаган овозида буйруқ берди:

Кани драбантлар – бу ўтиришимизнинг ҳаммаси бе-
кор! – дея, хитоб қилди у. (Драбантлар, ёки навкарлар,
чор армиясидаги офицер хизматидаги аскарлар эди)
Эшикларни кулфлаймиз. Чикчирлилар (гусарлар кий-
ган тор шим) чикиб кетсин! Ром келаяпти!..

Хизматкорлар шу захотиёқ хонадан чиқариб юбо-
рилди, эшиклар кулфланиб, олов ўчирилди.

....

Катта қозоннинг оғзига айқаштириб қўйилган учта
киличнинг устига бир бўлак қанд бўлагини қўйиб, жой-
лаштиришди. Ром кўк оловда лоп этди ва штаб-рот-
мистр Иванов 1 чи ўзининг йўғон овозини баралла қў-
йиб, бақира бошлади:

Қадим гусарлар қайда?

Ботир гусарлар қайда?

Биз ҳам унга кетидан ўхшар-ўхшамас овозимиз би-
лан пайдар-пай жўр бўлдик. Қуйидаги:

Бурунлари кизарган,

Боболар ёдга тушар

Гулхан атрофида жам,

Чўмич хўплаб ичишар.

шу жумла айтилгач эса унинг овози бирдан қалтираб
кетди ва шундан сўнг қўшиқни аввалгидан-да дўрилла-
ган, бузукроқ овозда айта бошлади. Ром ҳали ҳам тайёр
бўлмаган эди, шунда тўсатдан ясовул Сиротко ўзининг
пешонасига қўли билан бир уриб, қийкириб юборди:

– Оғалар! Типратикан каллалар! Ахир, буткул уну-
тибман, аҳмоқ бўлиб қолибман-ку. Тезда чопишим ке-
рак, йигитлар!

– Ўтир, ўтир, яна нима ўйлаб топдинг, яна нималар
деб алдаяпсан, – деди, штаб-ротмистр Иванов 1 чи.

– Худо ҳаққи, азизларим югурмасам бўлмайди... рухсат беринглар, типратикан бошлар. Соат саккизда тайёр бўлиши керак эди, мен зудлик билан, албатта, қайтиб келаман. Ольховский, қани бир соатингни чалчи, ҳозир соат неча бўлибди?

Ольховский қоронғуликда соатини кидиришга тушди, унинг шитирлатиб, чўнтагини қовлаганини бошқалар ҳам эшитди.

Шунда у бирдан, хавотирга тушиб,

– Ана бўлмаса! – деб, юборди.

– Нима бўлди? – сўради, фон Ашенберг.

– Соатни топа олмаяпман. Ментигимни (гусарлар елкасига ташлаб юрадиган калта кийими) ечганимда олдимга қўйган эдим.

– Қани, жаноблар, ёруғ қилиб туринглар-чи!

Олов ёкилди, йиғилганларнинг барчаси бирданига соатни кидиришга тушди, лекин у ҳеч қаерда йўқ эди. Воқеанинг бундай кечиши ҳаммага ноқулай бўлди, хатто ўша пайтда бир-бирова кўзимиз тушишидан қочардик.

– Охирги марта қаерга қўйган эдингиз? – сўради фон Ашенберг.

– Эшик ёпилган захоти... мундиримни ечдим-у ёнимга қўйиб қўйдим, чунки қоронғуликда соат неча бўлганига қараб тураман, деб ўйловдим...

Атрофдагиларнинг барчаси жимиб, бошини қуйи солганча, ерга қараб қолишди. Шунда Иванов 1 чи мушти билан столга шундай каттиқ урдики, зарбидан стол устидаги рюмкалар жаранглаб, ерга тушди.

– Жин урсин! – дея, бақирди бўғиқ овозда, – қани, кидиринглар, шу ярамас соатни топмасак бўлмайди. Қани йигитлар, столнинг ости, усти, ўриндиқларнинг таги, ҳеч қаер қолмасин. Қандай қилиб бўлса ҳам, соатни топинглар!

Биз йўқолган соатни тахминан чорак соатча кидирдик, лекин ҳаракатларимизнинг бари бекор кетди! Ольховский эса саросимага тушиб, хижолатдан ҳар дақиқада “Эҳ жаноблар, қўйинглар шу соатни, керак эмас... жин урсин, керак эмас, жаноблар...”, деб қайтарар эди. Лекин Иванов 1 чи унга қараб кўзини кўрқинчли бакрайтирганча, бақириб берди:

– Аҳмок! Сенинг соатингга тупурганмиз. Ахир, нега тушунмаяпсан, бу ерда ҳамма ўзимизникилар-ку, ҳеч қанақа бегона ёки бирор хиз-мат-кор-лар йўқ эди, нима учун топишимиз кераклигига энди ақлинг етгандир!?

Хуллас, шу бадбахт соатни топамиз деб толикиб, сикилиб кетдик ва ҳаммамиз стол атрофида хориб ўтириб қолдик. Кожин ўтирганларнинг барчасига ҳорғин, норози нигоҳ билан бирма-бир қараб чикди ва зўрға эшитилар-эшитилмас,

– Энди нима қиламиз, жаноблар! – дея, сўради.

– Энди нима қилиш ўзингизга ҳавола, майор – деб, жиддий оҳангда эътироз билдирди Иванов 1 чи. – Чунки, сиз орамизда ҳаммамиздан ёшингиз улуғ, аммо қандай қилиб бўлса ҳам, соат топилиши шарт.

Охири шундай бир хулосага келинди, хуллас бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзини тинтув қилдиришга рухсат берди. Биринчи бўлиб тинтувга ясовул Сиротко, ундан кейин штаб ротмистр Иванов 1 чи келди. Кекса гусарнинг юзи ва қилич зарбидан қолган чандик изи буткул кизариб кетган эди. Қилич изи оқарган боши бўйлаб, пешонасидан ўтган оппоқ йўғон чизик бўлиб, яққол кўзга ташланиб турар эди. Қалтираётган қўллари ёрдамида чўнтагини шундай куч билан ағдардики, ўзининг бу ҳаракати билан худди чакчирини ечиб отадиганга ўхшаб кетди. Мўйловини тишлаганча:

– Уят! Қандай хунук бўлди! Н чилар биринчи марта бир-бирини тинтув қилиши! Аммо, сочларимга ок туш-

ган чоғда, мен учун бу аҳволни кўриш жудаям уят... – деди, у гудраниб.

Шу тарика бизни ҳам бирин-кетин тинтув қилишди. Четда ёлғиз Чекмаревнинг ўзи қолди.

– Қани, Федюша, келакол, тортинма... ўт, нима бўлди, сенга? – дея, уни эркалаган каби, чақирди, каттиққўл Иванов 1 чи, ғазаби қайнаб, бир оз туртиб ҳам юборди.

Чекмаревнинг ранги бутунлай оқариб кетган, унинг лаблари учиб, деворга каттиқ ёпишиб, суянганича жойидан кимирламай турарди.

– Боракол, Чекмарев, – унга далда беришга уринди майор Кожин.

– Ахир ўзинг кўраяпсан-ку, ҳамма текширувдан ўтди...

Чекмарев секин бош сермади. Ўша кездеги унинг қандай кўркинчли тиржайганини шу пайтгача эсимдан чиқаролмайман. Лабини қийшайтириб, буриштирганча, қийналиб, бўғилиб, зўр-базўр айтган гапларини ҳам:

– Мен... ўзимни... тинтув қилишларига... йўл қўймайман...

Штаб-ротмистр Иванов 1 чи бирданига унга ялт этиб қараб:

– Қанақасига, жин урсин! Бешта кекса офицер ўзини тинтув қилишга йўл қўйиб берди-ку, сен қўймайсанми!? Юзимдаги ажинларни кўраяпсанми? Тишларимнинг тушиб кетганини ҳам қара... бироқ мени ҳам тинтув қилиб, кидиришди. Нега энди сенга мумкинмас, хайронман, биздан ниманг ортик? Ёки сенинг иззат-обрў, кадр-киммат тўғрисидаги тушунчаларинг бизникига нисбатан анча нозикми? Ҳозирок кел бу ерга, Федька, эшитяпсанми?

Лекин Чекмарев яна бошини чайқади:

– Йўк, бормамайман! – дея шивирлади у.

Унинг килт этмаётган ҳаракати, жонсиз кўз қараши ва хавотирли жилмайиши қандайдир ваҳимага тўла эди.

Шунда Иванов 1 чи овозининг оҳангини ўзгартирди ва ялинчоқ майин оҳангда гапира бошлади. Бунақасини маст бўлиб қолган кекча чол ва қўпол солдатдан ҳеч ким кутмаганди:

– Федюша, жоним болам, тентакликни қўйсанг-чи энди! Ўзинг биласан-ку ахир, мен сени ўз ўғлимдай яхши кўраман. Қўйсанг-чи азизим, сендан илтимос... балки, сен қандайдир... балким, шу ахлоқона гаровни деб... тушунапсанми, ёки ҳазиллашдингми-а? Тўғри, балки ҳазиллашаётгандирсан, албатта ҳазиллашаяпсан, аммо, Федюша, сендан илтимос...

– Шунда Чекмаревнинг юзи аввалгидан ҳам баттарок кип-қизариб кетди ва шу захоти у орқага қараб тисарилди. Лаби калтирай бошлади. Жим турганча, ўша аянчли аҳволида яна бошини силкитди... Орага даҳшатли жимлик чўкди ва фақат майор Кожиннинг ғазаб билан пишиллаб нафас олиши сукунатни бузиб турарди.

Иванов 1 чи кўкрагини тўлдириб, чуқур “ух” тортди. Чекмаревдан кўзини бошқа томонга олиб, ёнбошга қайрилиб, бўғиқ овозда:

– Унда ихтиёрингиз, бу вазиятда, поручик, нима қилишни ўзингиз яхши биласиз... сизнинг ҳақ эканлигингизга шубҳа қилмаётган бўлсак-да... биласизки... (у шу пайтда Чекмаревга бир разм солди ва тезлик билан яна бошқа ёкка қаради), биласизки, бизнинг орамизда қолишингиз ноқулай бўлади...

Чекмарев ўрнидан кўзгалди. Худди ерга гурсиллаб қулаб тушадигандек, қалқиб кетди, аммо ўзини ўнглаб олди ва чап қўли билан шамширини ушлаганча, тўғрига тик қараб, бир нуқтадан кўзини узмасдан, худди ой-

параст (лунатик) одамдек секин эшик томон юриб кетди. Биз эса чурк этмай, уни ўтказиб юбориш учун четга чикиб, йўл бердик.

Энди ичкиликбозликни давом эттириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Фон Ашенберг ҳам “чурк” этмади. У хизматкор, навкарларни чақириб стол устини йиғиштиришни буюрди.

Барчамизнинг кайфимиз бутунлай таркаб, ноқулай, ғамгин аҳволга тушиб қолган эдик. Негадир, ҳаммамиз бирга худди орага чўккан жимлик ичра яна нимадир содир бўлишини кутиб ўтиргандек эдик.

Шунда тўсатдан Байденко деган, бир мезбоннинг хизматкори кийкириб юборди:

Бу сизнинг соатингизми?

Ҳаммамиз ўша томонга югурдик. Ҳақиқатан ҳам ерда, ром учун тайёрланган қозончанинг тагида Ольховскийнинг брегет соати ётар эди.

Жиним биладими, мийиғида ғудранди хайратда қолган граф, – менимча, қоронғуликда оёғим билан билмай ўша ерга тепиб юборгандирман.

Хизматкор бўлаётган ишларни бемалол таҳлил қилиб олишимиз учун иккинчи марта ҳам хонадан чиқиб кетди. Бу воқеадан кейин орамиздаги ёшларнинг барчасининг Чекмарёвга ичи ачиди, раҳми келди, бироқ қариялар бу вазиятни бошқача шарҳлай бошладилар:

– Йўқ жаноблар, у бу ҳатти-ҳаракати билан бутун полкни писанд қилмай, ҳаммамизни ерга уриб кетди, – деди, йўғон ва қатъий овозда майор Кожин. – Нега биз ўзимизни тинтув қилишларига рухсат бердигу, у бўлса унамади? Йўқ, у энди N инчилар полкини тарк этиши керак ва тарк этади ҳам.

Фон Ашенберг, Иванов 1 чи ва ясовул ҳам Чекмарёвга ачинсалар-да, бу фикрни маъқуллашди. Шун-

дан сўнг барчамиз аста-секин, ҳеч бир сасу садосиз, худди азадан қайтаётгандек тарқала бошладик. Ташқарига чикқач, бир-биримиз билан хайрлашиш учун эшик олдида тўхтадик.

Кимдир йўлак бўйлаб фон Ашенбергнинг уйига караб шошганча югуриб келаётганди. Иванов 1 чи ҳаммадан аввал уни таниди. У поручик Чекмаревнинг навқари эди. Солдатнинг бош кийими тушиб қолган, кўринишидан жуда ваҳимага тушганди. Ҳали етиб келиб улгурмасиданок зўрға эс-хушини йиғолмай, бақириб келарди:

– Ваш-скородь!.. бахтсизлик!.. Поручик Чекмарёв ўзларини отиб қўйдилар!

Биз югуриб бориб, Чекмарёв яшаб турган хонага отилиб кирдик. Эшик қулфланмаган, Чекмарёв ерда, ёнлачасига узала тушиб ётибди. Пол буткул қонга бўялган, икки қадам нарида дуэлда ишлатиладиган катта пистолет ётарди. Шунда мен ўз жонига қасд қилиб, ўлимини ўзи чакириб олган, танаси тош қота бошлаган, одамнинг ниҳоятда кўркам чехрасига тикилиб, ҳайратландим. Ўша кийноқ ва азоб ичида ҳеч кимникига ўхшамаган, ўзгача кулгуси унинг лабларига муҳрланиб қолганди.

– Қаранглар-чи, бирор хат қолдирмадимикин... деди, йиғилганлардан аллаким.

Ҳақиқатда ҳам ёзув столи устидан унинг ёзиб қолдирган номасини топишди. Хатнинг устига нимадир бостириб қўйилган эди... нима, деб ўйлайсан, биласанми?... тилла соат, брегет. Ва энг даҳшатлиси, унинг брегет соати икки томчи сув каби граф Ольховскийникига ўхшаш эди.

Бу номани мен ёддан биламан. Унда шундай битиклар бор эди:

“Алвидо, кадрдон дўстларим. Худо ҳақки, Исо Масих чеккан азоблар ҳақки, қасам ичиб айтаманки, ўғирликда менинг айбим йўқ. Мен чўнтагимда худди Граф Ольховскийнинг брегетига ўхшаш соат тургани учунгина ўзимни тинтув қилдиришга рухсат беролмадим. Мендаги брегетим раҳматли бобомдан мерос бўлиб қолган. Афсуски, ҳозирги кунда ҳаётимда менга гувоҳлик берадиган яқинларимдан ҳеч ким қолмаган, шунинг учун ҳам мен иснод ва ўлим ўртасидаги шу йўлни танлашга мажбур бўлдим. Мабодо, Ольховскийнинг соати топилиб, менинг айбсизлигим исботланса, штаб-ротмистр Иванов 1 чидан нарсаларим, кулолим ва отларимни эсдалик учун менинг азиз дўстларимга тарқатиб беришини ва брегетимни эса ўзида қолдиришини илтимос қиламан”.

Охирида имзо.

Бу воқеани айтиб тугатгач, амаким Василий Филиппович чирокнинг соясига бутунлай сингиб кетгандек бўлди. Узок вақт йўталди. Ва ниҳоят, тўхтаб, охирида:

— Мана кўрдингми болажоним, ҳаётда қандай кутилмаган тасодифлар чикиб қолиши мумкин, — дея қўшиб қўйди.

Констатин Паустовский

АКВАРЕЛЬ БЎЁҚЛАРИ

Бергнинг ёнида “ватан” сўзини айтишганларида, бу сўзнинг моҳиятини унчалик ҳис қилолмай, тушунмаганлигидан шунчаки кулиб қўяр эди. Ватан — ота-боболар яшаб ўтган мукаддас тупроқ, инсоннинг туғилган жойи, дейишади. Аслида-ку унинг наздида инсон дунёнинг қайси жойида туғилишининг фарқи йўқдек, масалан, бир ўртоғи Америка ва Европа ўртасидаги океанда сузиб кетаётган пайтда, пороходда туғилган эди.

— Бундай инсонларнинг ватанини қаерда, деб аташ мумкин? Нахотки у океан, шамол таъсирида тундлашиб, юракка хавф-хатар солиб дилгир этиб турувчи сув сатҳи бўлса? — дея, ўз-ўзига савол берарди Берг.

У океан нималигини яхши биларди. Парижда сурат чизишни ўрганиш учун ўқиган кезларида Ла Манша кирғоғида яшаган эди. Ўша пайтлар океан унга ўта ёт ва бегона туйилганлиги ҳеч ёдидан чикмайди.

Ота-боболар яшаб ўтган жой! Берг у ҳақда ўйлар экан, кичик Европада жойлашган бобоси яшаган ўша шаҳарчага нисбатан ҳам калбида ўзи ёки болалик чоғларига боғлиқ бўлган ҳеч қандай ўзгача бир илиқ туйғуларни ҳис қилолмайди. Ҳар гал бу ҳақда ҳаёл сурганида Днепр бўйидаги ўша шаҳарчада яшаб, умри давомида этикдўзлик қилган бобосининг кўзларини йиллар ўтиб, ўша ерда этикдўзларнинг пишиқ ипи ва каттик бигизи кўр қилиб қўйганлигини аниқ эслайди холос.

Қадрдон шахар, деганларида эса, негадир унинг кўз ўнгида доимо рассом томонидан яхши ишлов берилмаган, охиригача тўлик чизилиб улгурилмаган, туравериб эскириб, ранги ўчиб кетган бир сурат гавдаланарди. У қанча уринмасин, бу туйғуга нисбаттан чанг босиб, куриб ётган тераклар ва ошхонадаги овкатдан сўнгги ювиндининг ўзига хос ҳиди, олис осмон бағрида сузиб юрувчи хира булутлар ёки машк пайтида солдатлар казармасидан эшитилиб турадиган турли овозлардан бўлак бошқа ҳеч қандай нарсаларни тасаввур қилолмасди.

Фуқаролар уруши йилларида жанг қилган жойлари, манзилларини аниқ эслолмайди.

— Мана, яқинда оклар қўлидан ўзимизнинг жонажон ерларимизни, ватанимизни тортиб оламиз. Отларимизни қадрдон Дон дарёсининг сувидан мириқтириб суғорамиз, дея жангчиларнинг кўзлари чараклаб, қувониб уни қучиб қутлашганида Бергнинг энсаси қотиб:

— Қаёқда, бу гапларнинг ҳаммаси шунчаки сафсата! Биз каби инсонларнинг ҳақиқий ватани ҳам йўқ, бўлган ҳам эмас, деган эди қулиб. Унинг бу гапига эса:

— Эҳ, Берг, қалбнинг бунчалар қаттиқ бўлмаса! Сен жудаям ғалати инсонсан. Сендан қандай қилиб янги ҳаётни барпо этувчи жангчи чиқиши мумкин, қачонки сен ўзинг яшаб турган ерни, она заминни ҳис қилмасанг, севолмасанг. Сен бундай қалб билан қандай қилиб ҳақиқий рассом бўласан! — дея, норози оҳангда унинг сўзларига жавоб беришган эди жангчилар ўшанда.

Балким, шу сабабдан ҳам унинг атрофини ўраган ажиб табиат ўзининг ҳақиқий хусни жамолини, тароватини яшириб тургандир. Шу сабаб ҳам Берг қанча уринмасин, ўзи севган пейзаж жанри устида ижод қилолмади. Сўнгра, у портрет ва ниҳоят плакатлар жанрини танлаб, шу йўналишда ижод қилишга мажбур бўл-

ган эди. Бир неча бор янги замонавий йўналиш излаб топишга ҳаракат ҳам қилиб кўрди, аммо унинг барча уринишлари, ўзига тушунарсиз тарзда бефойда бўлиб чиқди.

Умрининг кўп йиллари худди шамол каби ўша пайтларда шўролар мамлакати деб аталмиш МДХ давлатларида ўтди. Ҳаёт чархпалаги эса тақдирнинг турли паст-баландликларига дуч келиб, тиним билмай айланарди. Аммо, унинг атрофини янгидан-янги, Берг учун унчалик тушунарли бўлмаган муҳаббат, нафрат, мардлик ва албатта, ватан туйғуси каби ранг-баранг ҳислар ўраб, айланиб юраверди.

Эрта куз фасли эди. Шундай кунларнинг бирида Берг рассом Ярцевдан хат олди. Хатда айни дамда ёз пайтини Муромск ўрмонларида ўтказиб, дам олишда давом этаётган Ярцев уни ҳам ёнига келишга таклиф қилди. Берг Ярцев билан дўст эди. Бунинг устига анчадан бери Москвадан бошқа жойга чикмаганди. Шундан сўнг, кўп ўйлаб ўтирмай, унинг ёнига боришга қарор қилди-ю, жўнаб кетди.

Владимир шаҳридан кейинги бекатда тор изли темир йўл поездига ўтиб олди.

Бу йил август ойи жуда иссиқ ва шабадасиз келганди. Поезд вагонининг ичини қора жавдар унидан тайёрланган ноннинг ёқимли бўйи тутиб кетганди. Берг вагоннинг зинапоясида ўтириб олиб, мириқиб нафас олди. Шу чоғ гўёки унинг кўкси ҳаводанмас, балки қуёшнинг ажиб нурларидан тўйинаётгандек эди.

Очилиш мавсуми тугаб, бирин-кетин қуриб бораётган оппоқ чиннигуллар ўсиб ётган кенг дала бағрини чигирткаларнинг овози тутиб ётарди.

Ярцев одами йўқ бу бекатдан анча олисда, катта бир кўлнинг қирғоғи бўйида, ўрмончининг ёғоч уйини ижарага олиб дам олаётган эди.

Берг миниб олган ғилдиракли арава калин кум устида куриб ётган илдизларни ғичирлатиб босганча, одимлаб борарди. Ўрмон орасидан зарғалдоқларнинг хорғин хониши эшитилиб турар, сарғайган япроклар дамо-дам йўл юзига тўкилар, оппок тиниқ булутлар эса осмоннинг олис бағрида, узун бўйли мачтабоп қарағайлар тепасида сузиб юарди.

Бирпасдан сўнг у араванинг устида чалканчасига ётиб олди. Негадир унинг юраги оғир ура бошлади.

«Ҳаво таъсир қилаяптимикин»? – дея, хавотирланди Берг.

Шу чоғ унинг кўзлари ногаҳон қуюқ ястаниб ётган ўрмон дарахтлари ортида мовий чайқалиб турган кўлга тушди. Кўлнинг суви жимир-жимир мавжланиб, ҳайратланарли даражада худди уфқ бўйлаб кўтарилаётгандек қиялаб ёйилиб турарди. Унинг ортида эса туман ичра қайин бутазорлар кўзга ташланди. Кўл узра тарқалган туман яқиндагина ўрмондаги ёнғиндан сўнг пайдо бўлган эди. Сувнинг юзига тўкилиб, йиғилиб қолган япроклар уюми эса худди кора калин картон қоғоз каби сузиб юарди.

Берг кўл бўйидаги ушбу ажойиб кирғокда бир ой яшади. Бу ерга у фақат дам олиш мақсадидагина келган эди. Шунинг учун ҳам ўзи билан расм чизиш учун ёғ бўёқларини олиб келмаган, аммо ҳар эҳтимолга қарши бир қутичада Лефранка деб аталувчи француз акварель бўёқларини келтирган эди. Парижда яшаган пайтларидан бошлаб саклаб келаётган бу бўёқларни у жуда эҳтиёт қиларди.

Бугун куни бўйи кўм-кўк майсалар қоплаб ётган кенг дала қўйнида чўзилиб олиб, ундаги ранг-баранг турли ўсимликлар, турфа гулларни завқланиб томоша қилди. Айниқса, аллақандай майда қоп-қора мевачала-

рини қирмизи гулкосалар барги орасига яшириб ўсатган бутачалар унинг хайратини янада оширди.

Берг наъматак мевалари, нинабаргли қора арчалар, лимонўтлар барқ уриб, хушбўй таралиб ётган дала бағрига гиламдек тўкилган тоғтерақларнинг узун барглари, нафис бўй чўзиб, тебраниб турган чиннигулларни териб завкланди. У шундай кузги япроқларни қўлига олиб, диққат билан кузатаркан, совуқ таъсирида намчил сариқ япроқлар оҳиста кумушрангда қорая бошлаганлигининг гувоҳи бўлди.

Ён атрофини ўраб турган ажойиб ўзига хос бетакрор манзаралар, қўл юзига урилиб сув қўнғизларининг учиб юргани, хира тортиб мавжланаётган тўлқинлар бағрида балиқларнинг ўйнаб, сузиб юриши, мавсумнинг барқ уриб очилиб ётган сўнгги гулларининг худди тўқ рангли ойна устида қотиб қолган каби сокин сувнинг юзида қалкиб тургани унинг хайратини янада ошириб, қалбини бутунлай мафтун этиб қўйди.

Шундай иссиқ кунларнинг бирида Берг ўрмон ичидан келаётган ғалати бир титроқ овозни эшитиб қолди.

У овоз келаётган томонга диққат билан қулоқ соларкан, вужудини алланечук хавотир эгаллади. У ёқдан гўёки жазирама иссиқда қурукшаган майсалар, турли учиб юрувчи қўнғизлар-у, чигирткаларнинг овози бир-бирига қўшилган сози, ўзгача беўхшов товуш келаётганлигини сеза бошлади. Кунботар тарафда қўлнинг устида эса турналар галаси қурқурлаб, жануб томонга учиб кетаётган эди.

Бу ерда ҳар доим турналарнинг учиб кетаётганлигини кўриб қолишганида, унинг ёнида доимо ҳамроҳлик қилиб юрган ўрмончининг ўғли Ваня Бергга қараб:

— Менимча қушлар бизни ташлаб иссиқ тарафларга учиб кетаяпти-ёв, деб қўярди.

Бу гал эса унинг назарида турналарнинг ўрмонни тарк этиб, учиб кетаётганлиги гўё бу гўзал, бетак-рор маконга хиёнат килаётган соткинларнинг ишидек туйилиб кетди ва уларга нисбаттан қалбида алланечук норозилик ҳиссини туйди. Турналар бундай сувлари зилол, мўл-қўл, сокин оролни, шундай кўркам бағрикенг саҳий ўрмонзорни, куз кўйнида барглари сарғаяётган бутазорлар, аҳён-аҳёнда бир маромда гумбурлаб турувчи, куз хавосида ўсимликлар елими аралаш дарахтларнинг хушбўйлари таралиб турган бу каби кадрдон жойларни қандай қилиб кўзи кийиб ташлаб кетиши мумкин, дея ўйларди.

— Ғалати! — дея ўз-ўзича койинди Берг. Бу галги кун сайин тобора бағри бўшаб, сийраклашиб бораётган ўрмонга караб пайдо бўлган кўнглидаги бу норозилик ҳисси илгаригидек кулгили туйилмади унга.

Шундай кунларнинг бирида Берг ўрмонда сайр қилиб юрганида Татьяна исмли кампирни учратиб, у билан танишиб қолди. Сўнгги кунлар у Татьяна момо билан куни бўйи бирга юриб, унинг бамайлихотир сўзлаб берадиган суҳбатларини узоқ тинглади.

Кампирнинг суҳбатларидан бу жойлар ўрмоннинг энг тинч, сокин жойлари эканлиги ва бу ерлар қадимдан ўзининг рассомлари билан ном чиқарганлиги ҳақида билиб олди. Татьяна атрофда ўсиб ётган ҳар хил буталарнинг номларини, бу ерда ясалган қадимги ёғоч қошиқлар, тилла ва маҳсус қизил бўёқ суриб тайёрланадиган идишларнинг номларини бирма-бир айтиб берди. Берг бу атамаларни умрида биринчи марта эшитиб турганлигидан кампирнинг ёнида хижолат чекиб, қизариб кетди.

Берг табиатан камгап эди. У ҳар замон Ярцевга битта ярим сўз ташлаб қўярди холос. Ярцев эса куни бўйи қирғоқ бўйида ўтириб олиб, мирикиб китоб ўқирди.

Унинг ҳам севган машғулотидан бўлиниб, унчалик ҳам сўзлашгиси келмасди, албатта.

Сентябрга келиб ёмғир ёға бошлади. Майсалар устига томаётган ёмғир томчилари шилдираб тўкиларди.

Ёмғирдан сўнг ҳаво исигач эса, ҳамма ёкни кирғок бўйида ўсаётган камишларнинг ёввойи, ўткир бўйи ва худди хайвонларнинг нам терисининг хидига ўхшаш бўйи туйиб кетди.

Туни билан сокин ўрмон қўйнида худди куз давомида унинг тақдирига шу ўрмон мамлакатининг устидан майдалаб томчилаб туриш ёзилгани каби ёмғир шувиллаб ёғар, қоровулхонанинг юпка томи-ю ва ундан қайгадир элтувчи йўллар, бу атрофдаги бирор жой ҳам унинг назаридан четда қолиб кетмас эди.

Кунларнинг бирида Ярцев шаҳарга қайтишга чоғланди. Бундан Бергнинг жаҳли чикиб, хавотирга туша бошлади. Ахир куз мавсумининг шундай ажойиб қизиқарли палласидан кечиб, кўнгил узиб қандай қилиб жўнаб кетиш мумкин. Унинг назарида Ярцевнинг кетиш тўғрисидаги бу истаги ҳам худди турналарнинг бу жойларни тарк этиб, учиб кетаётгани сингари хиёнатдек туйилиб кетди. Наҳотки, шунчаки бир йўсинда бу каби кенг ўрмонларга, зилол сувли қўлларга, тароватли бетакрор куз фаслига ва ниҳоят илиқ мовий осмонга, майдалаб майин ёғаётган ёмғир томчиларига хиёнат қилиш шунчалар осон бўлса?

— Мен хали кетмайман, шу ерда қоламан, — деди, Берг қатъиян. — Ихтиёрингиз, сиз қочиб кетаверишингиз мумкин, аммо мен бу ердаги куз фаслининг расмини чизишни истаяпман.

Ярцев жўнаб кетди. Эртаси куни Берг қуёшнинг илиқ, заррин нурлари юзига туша бошлаган паллада уйғониб кетди.

Ташкарида ёмғир тинган эди. Шохларнинг майин соялари тоза беғубор дала бағрида титраб тебранар, эшикнинг ортида эса бутун олам сукунат ичра феруза рангда тиникиб ёғду таратиб турарди.

“Ёғду таратиб” сўзини Берг факат шоирлар китобларида учратган эди ва бу сўзни шунчаки дабдабалар учун ишлатилади, деб ўйларди. Аммо у шу тобда бутун вужуди билан ҳис этиб, амин бўлди-ки, бу сўз айнан сентябрь осмони ва куёшининг ўзига хос манзараси, суратига берилган таъриф экан.

Майсалар устига тўкилаётган ҳар бир сарик япроқ куёш нурида кумуш каби ялтираб турарди. Кенг мовий қўл юзида сокин туман сузиб юрарди. Айланиб, бир маромда эсаётган майин шамол эса ён атрофдан киши димоғига энди сўлиб, қурий бошлаган ўрмон майсаларининг такир аммо ёкимли ўзига хос хушбўйини олиб келарди.

Берг чойини ҳам ичмасдан қўлига бўёқ ва қоғоз олиб, қўл томонга қараб кетди. Ваня уни кирғокнинг янада сокин, олис томонига ўтказиб қўйди.

Негадир Берг жуда шошилаётган эди. Атрофга разм солар экан, ўрмон устига қиялаб тушаётган куёшнинг нури унинг назарида худди бир тутам кумуш толасини эслатиб юборди. Ҳаво очик. Феруза осмон бағрида сўнгги қушлар ўйчан хониш қилар, сийрак, тиниқ бутлутлар эса кўкнинг энг юксак жойларига кўтарилиб, ҳар томонга қараб таркалиб учаётган эди.

Берг янада шоша бошлади. Шу тобда бор қобилиятини ишга солиб, бўёқ рангларининг қудрати, нигоҳларининг зийраклиги-ю, ҳамма-ҳаммасини токи қалбининг туб-тубида титраб турган сирли титроқларгача қўлидаги қоғознинг юзига тўкиб, кўркам ва салобатли ўрмоннинг улуғворги ва сўзсиз, хокисор тўкилаётган пайтдаги суратини тасвирламокни ният қилди.

Шунда Берг беихтиёр аллақандай қўшиқ куйлай бошлады. Сўнгра бор овозда фарёд қилиб, хайкира кетди ва бутун вужуди билан ишга шўнғиди. Уни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаган Ваня, хайратдан донг қотиб, унинг ҳар бир ҳаракатини кузата бошлады. У Берг ишлаётган бўёқларнинг сувини дамо-дам алмаштириб, қутичадаги бўёқлар солинган чинни идишчаларни бирин-кетин унга тутиб турди.

Сукунат ичра кўз илғамас ғира-ширалик бир дамда беихтиёр япроқлар юзига келиб қўнди. Барглардаги заррин ранглар жилосига хиралик туша бошлады. Ҳаво ҳам тундлашиб борарди. Олисдан пайдо бўлиб эшитилаётган дахшатли шовуллаш ўрмоннинг у томонидан бу томонига айланиб, қаердадир тиниб қолди. Бу ҳолатдан хавотирга тушган Берг жойида қотиб турарди.

– Момақалдирок бошланади! Уйга кетиш керак! – дея қичқирди Ваня.

– Кузги момақалдирок, – дея, қайтарди Берг ва хаёлини бузмасликка ҳаракат қилиб, берилиб сурат чиқишда давом этди.

Аммо, момақалдирокнинг навбатдаги гумбурлаган овози бутун осмонни ларзага келтириб юборди. Тим қора сувнинг юзи бир қалқиб тушгандек бўлди гўё. Ўрмон ичра қуёшнинг сўнгги шуълалари ҳали ҳам ялтираб, ёғду сочиб турарди. Берг янада шошила бошлады.

Ваня унинг ортига ишора қилиб, қўлини чўзганча:

– Орқага кара, кара, қандай кўрқинчли! – деди.

Аммо Берг негадир оркаси томонга ўгирилишга шошмади. Орқа томонидан тобора яқинлашиб, босиб келаётган чанг-тўзон аралаш қоронғуликни гўёки елкалари билан сезиб турарди. Аллақачон жала таъсиридан япроқлар учиб, айланиб ерга тушаётган эди. Шундан сўнг майда ўрмон чуғурчуклари кўрқувдан настлаб уча

бошладилар. Бир неча бўёқ суриш қолганлиги туфайли Берг жуда шоша, ишида давом этаверди.

Ваня унинг ёнига келиб, қўлидан макам ушлаб олди. Берг шу дам шиддат билан гумбурлаб келаётган овозни эшитди. Назарида унинг ортидан гўёки океан ўрмонни босиб, тошиб келарди.

Шунда Берг қўл юзини қоп-қоронғу туман қоплаб олганига қўзи тушди. Қўлининг устига биринчи оғир томчи келиб урилди. Сўнгра, чакмоқ аралаш шаррос жала куя бошлади.

Берг чизган суратини тезда қутига жойлаб, эҳтиёт-корлик юзасидан курткасини ҳам ечиб қутининг устидан ўраб олди. Қўлига эса акварель солинган қутичани олиб, йўлга тушди. Унинг юзларига чанг аралаш ёмғир томчилари келиб урилар, бўрон айланиб, учираётган намчил япроқлар юзи аралаш қўзларига ёпишарди.

Чакмоқ гумбурлаб, ёнидаги қарағай дарахтини силтаб, ларзага келтирди. Бу манзарадан Берг сал кам хушини йўкотаёзди, бир дам гангиб ҳам қолди. Жала осмоннинг шундайгина пастак жойидан қуярди гўё. Улар Ваня билан панага қочишди. Ёмғирдан ивиб, совуқдан дийдирашиб, бир соатлардан кейин қоровулхонага етиб келишди. У ерга кириб, Берг қўлидаги акварель солинган қутига қараб, унинг ичидаги Лефранка бўёқлари тушиб қолганининг гувоҳи бўлди. Бергнинг ичи қуйиб, бўёқларни икки кун жон-жаҳди билан кидирди, аммо тополмади.

Москвага келганидан кейин икки ой ўтиб, йирик, қингир-қийшиқ ҳарфлар билан битилган бир мактуб олди.

“Салом ўртоқ Берг, – дея ёзарди Ваня. – Сиз кетганингиздан сўнг икки ҳафта давомида ҳамма ёқни титиб, бўёқларингизни кидириб топдим. Уни нима қилай, сизга қандай етказай? Ўша ёмғирдан сўнг қаттиқ шамолла-

ган эканман. Энди ўзимга келдим. Отамнинг айтишича шамоллаш ўпкамга ўтиб кетибди. Шунинг учун сизга бироз кечикиб хабар бераётганим учун мендан хафа бўлманг.

Агар иложи бўлса менга бизнинг ўрмонимиз, ҳар хил дарахтлар ҳақидаги бирор китоб ва рангли калам юборсангиз. Менинг ҳам сурат чизгим келаяпти. Ҳозир биз тарафларда қор ҳам ёғиб улгурди. Қайси арчанинг тагига қарасангиз қуёнчалар ўйнаб юрганини кўрасиз.

Ёз мавсумида яна бизнинг кадрдон жойларимизга келишингизни таклиф қилиб, кутиб қоламиз. Салом билан Ваня Зотов”.

Берг Ванядан келган хатга жавоб сифатида унга ўзи иштирок этадиган кўрғазманинг таклифномасини юборди.

Бу таклифномани яқиндагина олиб келиб, ундан кўрғазмага кўядиган ижодий асарларининг номлари ва улар тўғрисида маълумот беришини сўрашган эди.

Берг столга жойлашиб олиб “Кўрғазмага бу ёзда ишлаган акварель этюд — биринчи бадий манзарамни кўяман”, деган жавоб ёзиб юборди.

Ярим кечаси. Ташқарида ёғаятган оппоқ момик қор дераза рафига тушиб, кўчадаги чироқларнинг фусункор ёғдусида кўзни камаштиргудек ялтираб турибди. Деворга осиб қўйилган соат сокин ва бир маромда урар, кимдир эса қўшни хонадонда роялда Григ* нинг сонатасини чаларди. Аста-секин мусиқанинг дилгир садоси бутун хонани тутди.

Берг Ваня ҳақида ўйлар экан, жилмайганча узок ўтирди. У топиб олган Лефранка бўёқларини Ваняга совға қилмай бўладими ахир!

Айни дамда Берг қалбида янада тиникиб, ёқимли завқ бағишлаб пайдо бўлаятган сирли, тасвирига, таъ-

рифига сўз топиш кийин бўлган, ватан туйғусини дилдан хис этишни, сезишни, кузатишни истаётган эди. Бу туйғу унинг калбида узоқ, ўн йиллаб чўзилган инкилоб йиллари давомида камолга етган бўлса ажаб эмас. Ёки ён-атрофи ўрмонга бурканган, куз қўйнида сирли мавжланиб турган сокин қўлмикан, ёки унинг устида учиб, куйлаган турналарнинг ажиб қўшиғимикан ёки болакай Ваня Зотов сабаб юз бердимикан? У калбини бутунлай қамраб олган ва айни дамда тиним бермай ғалаёнга солаётган бу саволларга жавоб топишга унчалик уриниб ўтирмади. Унинг ёдига ногоҳ жангчиларнинг:

— Эҳ, Берг, калбинг бунчалар қаттиқ бўлмаса! Сен жудаям ғалати инсонсан. Сендан қандай қилиб янги ҳаётни барпо этувчи жангчи чиқарди, қачонки, сен ўзинг яшаб турган ерни, она тупрокни севмасанг, — деган сўзлари тушиб кетди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам жангчилар ҳақ эдилар. Берг калбида пайдо бўлган ватан туйғусига бутун вужуди билан мана энди амин бўлди. Шу тобда у ўзи яшаб турган мамлакатга нафақат онги, шуури, балки бир рассом сифатида бутун қалби, юраги, ватанга бўлган муҳаббати уни нафақат улғайтирганини сизди, балки уни қайта дунёга келтиргандек туйилди. Айни чоғда шунчаки куп-куруқ, маъносиз бўлиб туйилган унинг зерикарли ҳаёти завқу шавққа тўлиб, олдингидан кўра юз чандон гўзал ва кадрли туйила бошлади. Унинг бор вужудини забт этган ватан туйғуси, калбини тўлдириб бораётган ҳаёт завқи уни янада гўзалликка интилиб, мирикиб яшашга ундаётган эди.

1936

ОҚ ҚУЁНЛАР

Ганс Вермель лейтенант Кнопф ротасидаги энг мохир ўғри ҳисобланарди. Бунга ҳайратланишнинг сира ҳожати йўқ, аммо қизиғи шундаки, Вермелнинг киёфаси тинчлик замонларидаги оддий ўғрилар кўринишидан мутлақо фарқ қиларди. У тепса тебранмас, шалпайган гавдасини имиллаб аранг кўтариб юрар, кўз қарашлари ҳам анчайин суст, ўта камгап, гапирганда ҳам истар-истамай, сўзлайдиган оддий бир солдат эди. Юрганида этигини судраб, кадамини гурсиллатиб босар, хириллаб нафас олар, корайиб кетган бармоқлари эса, худди ўт олиб портлайдиган бомбалар томининг капасига ўхшаб кетарди. Аммо, Вермель ҳозир кечаётган уруш пайтида бармоғининг бундай кўпол ва дағаллигидан ҳеч ҳам хижолат чекмасди, чунки ўғирлик қилаётган пайтида товукларнинг бўйнини учала бармоғини бир қилиб ушлаб, бўғиб ўлдиришга жуда қулай эканлигидан мамнун эди.

Баъзан инсонларнинг ўзига хос баъзи бир ғалати одатлари борлигини кузатганмиз. Вермелда ҳам бундай жиҳатлар етарли эди. У кўлига тушган нарсани аввал обдан хидлаб кўрар, хиди ёкмаганини эса атрофга улоқтириб юборарди. Бундан ташқари у кун бўйи тинимсиз ейиши ва ейишдан тўхтамаслиги мумкин эди. Қорни очганини хис қилиши учун эса бир марта кучлироқ кекиришининг ўзи кифоя қиларди ва шу заҳотиёк яна кўлига илинган нарсани олиб, тановулни давом эттираверарди. Хуллас, қисқача қилиб айтганда, у келиб чиқиши фашистлар иркидан бўлган ўта синчков, қорамтир кўзли, шафқатсиз, ҳайвон тоифасидаги калтафахм одам эди.

Бир куни Вермель шўролар жанубий шаҳарларининг бирида емак қидириб юрганида, ташландик ветеринар-

лар лабораториясига кириб қолди. Лабораториянинг уриб синдирилган эшиги ёнида кора танли италиялик соқчи турарди. У Вермелнинг йўлини милтиқ найзаси билан тўсди. Вермель эса қўлидаги милтиғининг қўндоғи билан соқчининг жағига бир урган эди, у қаттиқ зарбадан бакириб юборди. Шу заҳоти Вермель унинг яна кўкрагига қараб ҳам зарб билан бир тепди.

– Ўчир овозингни, макаронхўр! Битлики Муссолин!

Шундан сўнг аранг ўзини ўнглаган соқчи милтиғини кўтарди-ю ёнига қараб тупуриниб, сўкинганича, хизмат вазифасини бузганлиги учун осилиши мумкинлигига ҳам қарамай, таваккал қилиб турган жойидан узоклашиб, нари кетди.

Лабораториядан ҳар хил ўткир кислоталарнинг хиди анқиб турар, оёқ остида папирос қоғозининг қалинлигидек келадиган шиша идишларнинг синиқлари сочилиб ётарди. Хонанинг бурчагига эса бир қанча қафаслар жойлаб қўйилган.

Вермель ҳавони бир-икки хидлади-ю этигини дўкилллатиб, жун ва гўнг хиди келаетган қафаснинг яқинига борди. Унда патирлаб, югуришаётган куёнчаларга кўзи тушди. Уни кўрган куёнлар ҳам қафасдан бурунчаларини чиқаришиб, немис аскарини хидлаганча, қизил кўзларини милтиратиб, унга қараб туришди. Вермель куёнчаларни санаб кўрди, улар саккизта эди. Шундан сўнг қафаснинг эшигини суриб очди-да куёнларнинг бирини қулоғидан ушлаб ташқарига олиб чиқди, сўнга иккинчисини, кейин учинчисини... Бу взвод учун ажойиб тушлик эди, тушлик бўлганда ҳам майингина гўштдан, байрамона тушлик!

Кнопф ротаси лейтенант Спалеттининг итальян овчилари ротаси ёнида жойлашган эди. Кечга бориб Спалетти ротасидагиларнинг орасида қўшни немисларнинг

аёвсизларча куёнчалар гўштира тўйиб-бўкиб олишгани тўғрисида гап кетди.

Шунда бурчакда ўтирган соқчи бугун ҳақиқатан бир немис солдати келиб, уни милтик билан уриб, лабораториядаги барча куёнларни ўғирлаб кетганлигини айтди. Ва у аскарнинг ўша ернинг ўзидаёқ куёнларнинг бошини мармар столга уриб ўлдиргани, сўнгра уларни ўзининг битлаб кетган курткасига ўраб олиб кетганини сўзлаб берди. Бунини эшитган Спалетти соқчига қараб, шошмай тур, сен ҳам ҳали бунга жавоб берасан, отиб ўлдириласан, дея пўписа қилди ва у шу заҳоти лейтенант Кнопнинг олдига хабарчи юборди.

Эски, тўкилиб кетган кино залининг ўртасида куён гўшти тегмай алам қилиб қолганлар ва уларнинг ёнида куён гўштидан бўкиб, тўйиб олган ўн нафар немис солдати думалаб ётарди. Вермель эса нукул кекиринар, атрофини тўлдириб тупуриб ташлаган эди.

Кимдир этиги билан эшикни ташқаридан каттик тепди. Эшик очилиб кетди.

– Тур ҳамманг! – дея қичқирди, эшик олдида пайдо бўлган лейтенант Кнопф аёлларникига ўхшаш чинқирик овози билан ва ичкарига полк врачини ўтказиб юборди. – Тур ўрнингдан, итваччалар!

Аскарлар зўр-базўр, оғринишиб ўринларидан туришди, қай бирлари керилишди. Кнопф этигини тортиб, тўғирланиб, қатор бўлиб саф тортган аскарлар ёнида тартибда белгиланган масофада охиста қадам ташлаб юра бошлади.

– Қани, йигитлар, – деди, мулойимлик билан, – эшитишимча, орангизда кимлардир куён ўғирлаб ебди? Ҳеч бўлмаганда унинг орқа оёғини бўлса-да лейтенантига мурувват қилса бўлармиди?

Аскарлар жим туришарди. Чунки бу маҳалда лейтенантнинг гаплари уларга ёқмаётгани аниқ эди.

– Куёнларни еган ким? – дея, сўраб қайта кичқирди лейтенант ва бу гал унинг овози ҳамма ёкни бузиб юборди.

Аскарлар турган оёқларининг унисини бунисига алмаштиришди, аммо, бирортасидан “чурқ” этган садо чиқмади.

– Кўринишидан, бўкиб қолганингиздан тилингиз ҳам айланмаяти шекилли, – деди, хотиржамлик билан лейтенант. – Ҳар бир немис солдати жойлик аҳолидан тортиб олинган парранда ва чорва молларини тановул қилиши мумкин, аммо ундан олдин оғзингизга нима тикаётганингизни бир фахмлаб кўрсангиз бўларди-ку! Ахир итваччалар, нахотки бирортангиз бу хайвонлар лабораторияси эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмадингиз. Хуллас, сиз еган куёнлар тажриба учун қутуриш касали билан заҳарлантирилган экан.

Бу гапни эшитган аскарлар сесканиб кетишди, би-роқ индамай, жим тураверишди.

– Куёнларни ким еди? Аскарлар қимир этишмади.

– Айтинг, аҳмоқ бўлманг! – деди, ниҳоят полк врач. – Сизлар итальян эмассизлар. Биз сизнинг фойдангиз тўғрисида қайғураяпмиз!

Куён гўштини еганларни бошқалардан ажратишимиз зарур, чунки улар фронт ортига олиб борилиб, қутуришга қарши эмланиши керак.

– Фронт орти! – дея, хайқирди, лейтенант. – Мана кўрдингизми, нима қилиб қўйганларингизни, ярамаслар! Охирги марта буюраман, ким куён гўштини еган бўлса, уч қадам олдинга чиқсин!

Биринчи бўлиб Вермель қадам ташлаб, олдинга чиқди. Шунда лейтенант турган жойидан бир сапчиб, ундан ўзини олиб қочди. Бутун саф питирлаб, орадан кимлардир ғоз судралиш қилиб, уч қадам олдинга чиқа

бошлашди. Улар йигирма икки нафар эдилар. Ҳа, биз ўша, саккизта куёни еб, паккос туширганлар, деб мана шу йигирма икки солдат сафдан ажралиб чиқди. Улар учун дастлаб кечаётган воқеалар, худди кутилганидек амалга оша бошлади. Аввал буйрук бўйича вақтинча куроллар топширилди. Шундай қилиб, уларнинг ичида ўнта ҳақиқий куён еган айбдорлар индамай, ўзларига яна ўн икки нафар оч ва айбсиз, яъни “куён воқеаси”да иштирок этмаган аскарларни ҳам кўшиб олишди, — чунки, қандай баҳона сабаб бўлмасин, ҳар қандай одам фронт ортига ўтишни жуда хоҳлар эдилар.

Шу тобда сафдан ажралиб чиққанларнинг барчаси фронт ортидаги ҳаёт қанчалар қадрли эканлиги ва анчадан бери давом этаётган урушдан қанчалар безор бўлиб кетганлигини қалбан қайта ҳис этишди. Албатта, кечаётган ҳозирги ҳолат, яъни уларнинг жам бўлиб, фронт ортига кетаётганлиги илгаригидегидек, бирор томоша ёки сайилгами отлангандай, қандайдир яхши-ю аммо, умуман аввалгиларга ўхшамасди. Чунки улар тинчлик замонидagi каби Дания бўйлаб ўтадиган кизиқарли автомобиллар томошасига кетаётган эмасдилар. Ёки бу жойлар сумкалар тагидан патронлар тутаб турадиган Франция эмас, ё бирорта йўли ҳам миналаштирилмаган, ҳар қандай хавф-хатардан ҳоли Бельгия ҳам эмасди. Устидаги камзуллариининг кўриниши ҳам бир ҳолда, енглари ялтираб, худди сутчиларники каби қатикнинг ҳиди анкиб турар, чунки улар сутли маҳсулотларни истеъмол қилгач, оғизларини енги билан артиб кўйишарди.

Бу ерда аччиқ аёз беаёв, оёқнинг остида қор қасирлаб, ҳатто кулоқларни қонатиб юлиб олгудек совуқ эди. Ҳар бир одам ўлим билан ёнма-ён туриб жанг қиларди. Атрофда увуллаган товушлар остида тинмай порт-

лашлар, Кўзга ташланиб турган ер айланасига ўн километрча узокликда худди бахайбат вулкон оғзига ўхшаб тутаб ётарди. Оти ўчсин бундай урушнинг! Бу урушдан кейин, эхтимол, кадрдон шахрингга қайтгач, хаттоки икки хонали уйингни ҳам жиҳозлаб олишинг амримахол бўлса керак. Икки кишилик диван ўрнига, айқаштириб қўйилган қайин дарахти ёғочи устида рус бўронларининг ғувиллашини эшитиб ётишга тўғри келса ажабмас. Йўқолсин, уруш!

Кечаси аскарларни саф торттиришиб, олиб кетишди. Улар бажонидил бирга тўпланиб, қопларини елкаларига ташлаб олгунча, музлаб ётган рус ери узра шахдам қадам ташлаб, кета бошладилар. Аммо уларни, ўзлари ўйлагандек фронт ортига олиб кетишмаётганлигини билишмасди. Улар қанча олис юрсалар-да, қаёққа кетаётганликларини сезишмади. Қачонки, кечагина ўзлари ясаган пулемёт уясига, катта чуқурлик томонга юришганидагина, улар фронт ортига эмас, аксинча фронт ичкарисига кираётганликларини англаб етдилар.

– Бу нима дегани? Қандай кўзбўямачилик бу? – дея, минғиллади аскарлардан бири. Бошқалар ҳам хайрон бўлишди, бироқ ҳеч ким ҳеч нарса деёлмади.

Бу ҳолатнинг моҳияти шунда эдики, генерал бўлган воқеани эшитгач, қутурган куёнларни ўғирлаб, еб қўйганларни эмлаш тўғисидаги гапга тупурганлигини айтиб, бақириб, шу кечанинг ўзидаёқ, фюрернинг шу йигирма икки аскарини отиб, жасадларини ерга чуқурроқ қазиб, кўмиб юборишга буйруқ берган эди. Сочлари оқариб кетган бу генерал жуда айёр эди. У воқеани эшитган захотиёқ, саккизта куённи йигирма икки нафар аскар бир бўлиб еганига сира ишонмаган эди. Нима, бу дегани айбдорни топиб бўлмайди, деганими, йўқ, албатта!

Белгиланган жойга етиб келгач, уларга караб бир неча бор пулемёт оркали навбати билан ўқ узилди ва солдатларнинг ҳар бири бир зайлда ерга кулади. Шундай қилиб, фюрерга ваъда қилган ёки бажариши керак бўлган ўз вазифаларини охирига етказиб улгурмаган йигирма икки немис аскарининг ёруғ дунёдаги ҳаёти шу жойда якун топди. Рус жангчиларининг уларга аталган йигирма икки дона милтиқ ўқи ҳам ўз фойдасига қолди.

Бўлиб ўтган ушбу воқеа ҳам ҳаёт ҳикматларидан бири эди, ҳолос. Бу воқеа асосида италянлар қутурган қуёнларни еганларнинг устидан эмас, балки аксинча, гўшт тановул қилмаган, аммо ёлғон туфайли уларга қўшилиб, панд еб қолган ўн икки аскарнинг устидан қулишганди. Полк доктори эса уларни бошлаб туширган эди.

1942

ЭРТАКЧИ

(Христиан Андерсен ҳақида ҳикоя)

Ёзувчи Христиан Андерсен билан учрашганимда ёшим атиги еттида эди.

Бу ажойиб воқеа қиш кечаларининг бирида, XX асрнинг бошланишига бир неча соат қолганида рўй берди. Қувноқ болалар эртақчиси мени Янги аср остонасида кутиб олди.

У аввал менга узоқ тикилиб турди-да, сўнгра ҳазиломуз бир кўзини қисиб жилмайганича, чўнтагидан оппоқ рўмолчасини олиб ҳавода елпитган эди, оппоқ атиргул пайдо бўлди ва атрофга хушбўй таратиб, оҳиста ерга тушди. Ўша пайтлар биз оиламиз билан истикомат қилаётган ертўланинг ғиштин полига келиб тушган атир-

гулдан жаранглаб майин оҳанг таралди ва унинг сирли оғушида хонам кумуш рангда товлана бошлади.

Кейинчалик билсам, ўшанда Андерсен билан бўлиб ўтган воқеа эски ёзувчилар тили билан айтганда ўнг аралаш тушда кечган ажиб бир ҳолат, яъни ғаройиб учрашув юз берган экан.

Ёдимда, ўша кеч оппок қор ёғаётган эди. Уйимизда эса арча безатилаётганди. Арча безаб бўлингунига қадар ҳаяжондан юрагим ҳапкириб кетмаслиги учун уйимиздагилар мени кўчага чиқариб юборишди. Мен эса ханузгача нима учун уларнинг айнан белгиланган вақтдан олдин қувониб кетишимни истамаганликларини тушуниб етолмайман. Балким, ўша қувонч дегани бизнинг оиламизга жуда кам ташриф буюрадиган, оиламиз аъзолари интиқиб кутадиган азиз меҳмондек бўлгани учун, унинг ногоҳ кириб келиши эса биз болаларни хурсанд этиб, ҳаддан ташқари ҳовликтириб юбориши мумкинлигини ўйлаб, шундай қилишгандир. Қайдам, нима бўлганда ҳам ўша куни уйдагилар мени ташқарига чиқариб юборишган эди.

Ҳар доим шом аралаш қоронғу туша бошлаган кезлари, кўчалар, уйлар ва баъзи биноларнинг чироқлари бирданига чарақлаб ёниши қалбимни алланечук ҳаяжонга солиб юборар эди. Айни шу пайтда ажойиб яшил рангли шуъла таратиб ёришувчи дўконнинг ойнали пештахтаси тубида турли-туман ғаройиб нарсалар пайдо бўлар, улар “қорқиз” номли қонькилар, турфа рангда товланиб ёниб турувчи ҳар хил “бурама шамлар”, майда оппок цилиндрларга жойлаштирилган қизикчилар ниқоблари, қалайдан қуйиб тайёрланган тўрик от минган чавандозлар, пакилдоқлар ва турли рангдаги ялтироқ қоғоздан ясалган занжирчалар эди.

Ўшанда XIX асрнинг охириги кечаси нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини катталарнинг сўзларидан би-

либ олгандим. Чунки, инсон бундай кечанинг қайта гувоҳи бўлиши учун яна юз йил умр кўриши, бу эса ҳар кимга ҳам насиб этмаслиги муқаррар эди.

Дарҳақиқат, назаримда ўша кунги окшом ҳам ўзгача бир сирли тароват билан кириб келганди. Ташқарида оҳиста оппоқ қор ёғарди. Қор парчалари шунчалар йирик эдики, бамисоли осмонни тўлдириб даста-даста гул ёғарди гўё. Кўчаларни эса, извош отларга тақилган кўнғироқларнинг ёқимли садолари тутиб кетганди.

Арча безаб бўлинганлиги ёдимга тушиб, уйимизга қараб югурдим. Хонага киришим билан мени кутиб турган катталар арчанинг чироқларини ёқиб юборишди. Шу пайт кўз ўнгимда ранг-баранг чироқлар бирин-кетин ёниб, хонамиз чарақлаб ёришиб кетди. Алмашиб ёнаётган чироқлардан эса худди акация дарахтининг қуриган шохлари қисирлаб синаётгандек овоз чиқарди гўё. Ногаҳон, арчанинг тагида турган катта қалин китобга кўзим тушиб қолди. Англадимки, бу ўша онамнинг менга Янги йил совғаси, яъни Христиан Андерсеннинг эртаклар китоби эди. Шу пайт қувончим ичимга сиғмай, ҳаяжонланиб арча ёнида ўтирдим-у китобни шошганча варақлай бошладим. Унинг варақлари нафис қоғоз билан ёпиштирилган ажойиб суратларга тўла эди. Суратларни томоша қилиш учун ёпиштириб қўйилган ўша қоғозни оҳиста ажратиб олиш кифоя эди. Суратларда эса қор қасрининг деворлари узра мушаклар яркирар, оппоқ булутлар сузиб юрган денгиз устида ёввойи окқушлар учиб юрар, қумушранг аскарчалар узун қуролларини ушлаб бир оёқда қоровуллик қилиб саф тортиб туришар ва бошқа ажойиб мўъжизавий манзаралар акс эттирилган эди.

Китобга шу қадар шўнғиб кетибманки, ҳатто катталарнинг мени безатилган арчани томоша қилишга ундаётганликларини ҳам сезмабман.

Ўшанда дастлаб ўкиган эртакларим ғаройиб жанг, жажжи гўзал раққоса ҳамда қор маликаси ҳақидаги эртак бўлди.

Ҳамон ёдимда, китобни варақлаб ўқир эканман, гўё унинг саҳифаларидан турфа гулларнинг хушбўйлари уфуриб, қахрамонларининг саҳий чехралари шундок кўз ўнгимда жонланиб, намоён бўлганлигидан ҳайратлангандим. Бир оздан сўнг толиққанимдан арчанинг тагида кўзим илиниб, пинакка кетибман. Шу пайт арча шохларини безаб турган чироклардан таралаётган ёқимли илиқлик ҳамда ширин мудроклик ичра оппоқ атиргуллар баргини тўкаётган Андерсеннинг сиймоси намоён бўлди. Ўшандан бери у ҳақдаги тасаввуримга ўша ажиб, тушимдаги манзара муҳрланиб қолган.

Мен у пайтлар жуда ёш эдим. Эртақлардаги, жумладан Андерсен эртақларига ҳам яширинган катталарга тушунарли бўлган иккинчи томони яъни иккинчи ғояси борлигини билмас эдим, албатта.

Буни анча кеч англадим. Кейин билсам, XIX асрнинг ўзига яраша оғир ва оламшумул якуни арафасида менга омад кулиб боққан ва айни шу кечада ғаройиб мўъжизавий шоир Андерсен менга учраб, мурғак қалбимда ёруғликнинг зулмат ҳамда инсоннинг саҳий юраги ёвузлик устидан ғалаба қозонишига ишонч уйғотган экан. Ўша пайтлар Пушкиннинг “Яшасин куёш, йўқолсин зулмат!” деган сўзларини эшитган эдим. Негадир менинг назаримда Пушкин билан Андерсен ўзаро кадрдон дўст бўлишгандек, улар ҳар гал учрашганларида бир-бирларининг елкаларига қоқишиб, завкланиб қувонаётгандек туйилар эди гўё.

Андерсеннинг таржимаи ҳолини анча кеч ўргандим. Унгача менинг тасаввуримда ҳаёти ҳам худди ўзининг эртақларидаги каби ғаройиб ва гўзал, суратлари каби қувноқ ва бахтиёр бўлиб туйилар эди.

Андерсеннинг ҳаёти болалик чоғлариданок жуда оғир шароитда кечди. Аммо у умри давомида ҳаётдан, ёруғ оламдан эзгулик кидирди, завқланиб яшашга интилди.

Христиан 1985 йилда Наполеон уруши даврида Оденза деб номланган данияликлар шахрида камбағал этикдўз оиласида дунёга келди. Оденза Фюн оролининг пастак адирларида жойлашган бўлиб, унинг атрофини баланд тоғлар ўраб турарди. Адирлар этагида арчалар гуллаб ётар, осмонини эса доимо туман қоплаб турарди. Одензанинг умумий кўриниши тасаввур қилиб кўрилса, у қорайган эман дарахтидан йўнилган катта-кон ўйинчоқни эслатарди.

Ҳа, Оденза бекорга ўзининг ёғоч ўймакорлик санъати билан шуҳрат қозонмаган эди. Ўрта асрларда яшаб ўтган ёғоч ўймакор усталаридан бири Клаус Берг кора дарахтдан Оденза бош черковининг ибодат марказидаги улкан қисмини йўниб тайёрлади. Унинг ғаройиб ижод намунаси бўлган ушбу меҳроб маҳобати ва ҳайбати билан фақат болаларнигина эмас, балки катталарни ҳам ҳайратлантирган. Даниялик ўймакор усталар фақат меҳроб ўйиб қолмай, турли илоҳий манзаралар акс эттирилган ҳайкалчалар ҳам тайёрлар эдилар. Дарахтларнинг улкан бўлакларидан мохирона йўнилган ҳайкалларда қўпол, аммо ўзига хос рамзий маъно касб этувчи илоҳий маъбудалар, денгиз худоси Нептун, дельфинлар, гоҳо эгилиб юрувчи денгиз отлари каби ҳар хил жонзотлар акс этарди. Бундай ҳайкалчалар денгизчилар удумига кўра елканли кемаларнинг олд тумшугига жойлаб қўйиларди. Ҳайкалчалар баъзан тилла суви, ёки ҳар хил маҳсус тўқ рангли бўёқлар билан бўялар эди. Узок йиллар давомида денгиз тўлкинлари уларга путур етказиб, рангларини ювиб кетмаслиги учун маҳсус бўёқлар жуда қуюқ қилиб сурилар эди.

Кемаларга хайкалчалар ясовчи ўймакор усталар ўзларининг бетакрор санъатлари туфайли гўё денгиз ижодкорлари – шоирлари эдилар. Андерсеннинг дўсти даниялик Альберт Торвальдсен ҳам ана шундай ўймакорлар оиласида вояга етган, XIX асрнинг буюк хайкалтароши эди.

Андерсен болалигидан бошлаб ўймакорларнинг хаёлни мафтун этувчи ажойиб ижодий ишларини фақат кемалардагина эмас, балки Оденза уйларининг безакларида ҳам кўп учратган. Даставвал у Одензадаги эскирган бир уйнинг кенг ёғоч ромига ўйилган ажиб лолалар ва атиргулларни кўрган эди. Ижодкор уста томонидан нақшлар ёнига бир мисра шеър ҳам ўйиб ёзилган эди. Болалар жам бўлиб, шу шеърни ёдлаб олишгани ҳамон унинг ёдида.

Этикдўзлар эшиги устига осиб қўйилган икки каллали бургут тасвири ҳам унинг хаёлига муҳрланиб қолган. Бу тасвир гўё оёқ кийимлар доимо бир жуфт қилиб тикилишининг рамзий маъносини англатарди.

Андерсеннинг отаси этикдўз эди. Аммо уларнинг эшиги устида икки каллали бургутнинг сурати йўқ эди. Бундай сурат фақат этикдўз ҳунармандлар цехига аъзо бўлган усталарнинг эшигига илинишга рухсат этиларди. Андерсеннинг отаси эса жуда камбағал бўлганлиги туфайли этикдўз ҳунармандлар цехига белгиланган аъзолик бадалини тўлолмас, шунинг учун ҳам бу цехнинг аъзоси эмас эди.

Андерсен ўта ночор ва кашшоқликда вояга етди. У яшаган оиланинг бирдан-бир фахрланадиган нарсаси уларнинг озодалиги эди. Уйнинг ичида қутига жойланган тупроқда калин бўлиб пиёз кўкариб турарди. Токчадаги гултувакларда эса турли гуллар кийфос очилиб ётарди. Гулларнинг хуш бўйлари отасининг қўлидаги

косиблар болғачасидан таралаётган акс-садо билан бирлашиб, барабанчилар казармасидан эшитилиб турувчи вазмин товуш, дайди мусикачилар флейтаси (найсимон мусика асбоби)нинг хуштаги, ҳамда дарё бўйлаб қўшни кирғокқа юк ташийдиган бесўнакай кемалардаги матросларнинг хорғин бўғиқ овозда айтаётган қўшиқларига қўшилиб кетар эди гўё.

Бу каби турли-туман манзаралар, одамлар, ҳодисалар ва ундаги ранглар, овозлар ўзига хос ажойиб хаёлпараст Христианнинг шуурида чарх урарди. Шодланиб, завкланиши ва ҳар хил ғаройиб воқеалар ўйлаб топишига замин яратарди.

Айниқса, уларнинг уйида ҳар қандай ҳолатда ҳам уни ёлғиз тингловчи — Карл лақабли мушукнинг борлигидан болакай мамнун эди. Аммо, Карлнинг ҳам бир камчилиги бор эди. У ҳам бўлса бола айтаётган қизик эртакни охиригача диққат билан тинглай олмас, эртакниҳоясига етмасидан хуриллаб ухлаб қолар эди. Болакай қари мушук Карлнинг бу қилиғидан асло ранжимас, чунки мушук унинг эртақларидаги сеҳргарлар, Клумпе-Думпе номли айёрлар, ақлли трубачилар, сўзлашувчи гуллар ҳамда бошида олмос тожи бор қурбакалар каби ғаройиб нарсалар борлигидан ҳеч қачон ажабланмай, жимгина уни тингларди.

Андерсен илк эртакни ўзининг отасидан эшитганди. Кейин эса ушбу эртакни қўшни мусофирхонада турувчи аёлларга айтиб берганди. Бу ерда яшовчи аёллар куни бўйи эгилиб олиб, жун игирар, бир-бирларига ўзларининг содда ҳикояларини сўзлаб ўтиришарди. Болакай эса уларнинг ҳар бир ҳикоясини қизиқиб тинглаб, эртаси куни айнан шу ҳикояларнинг ўзини бошдан-оёқ ўз тасаввури билан бойитиб, ўзга ранглар билан бўяб, безаб уларнинг ўзига янгича талқинда ўз номидан қайта бошдан ҳикоя қилиб берарди.

Аёллар жажжи Христианнинг қобилияти ва зехнига қойил қолиб:

– Қандай ажойиб бола-я, бундай хислатли инсонлар дунёда ҳаёт кечириши жуда кийин бўлади, – дея афсусланиб, ўзаро шивирлашиб қўйишарди.

Ҳикояни давом эттиришдан олдин унинг юкорида тилга олинган ажойиб хислатларига тўхталиб ўтсак. Андерсен ён-атрофимизни ўраб, кўзга ташланиб турган табиат, ёруғ оламда ҳар биримиз ҳар қадамда дуч келиб, кундалик ҳаётимизда юз бераётган оддий воқеа, ходисаларда ҳам ажойиб борлиқ, ўзгача ажиб дунёни кўра биларди. Кўпчиликка шунчаки туйилган кўз илғамас нарсалардан яхшилик, бир дунё эзгулик топиб, қалбдан қувониб, шодланарди.

Унинг бу каби хислатларини қобилият, деб атасак тўғрироқ бўларди.

Биз замин бўйлаб одимлар эканмиз, оёғимиз остида ётган ҳар бир нарсага эътибор бермаймиз. Ёки атрофимизни ўраб турган борлиқ, ерга тушган япроқ, майсаларни бир лаҳза тинглаш ёки оддий бир сиким тупрокни кўлга олиб, диққат билан разм солиш ҳар биримизнинг ҳам ҳаёлимизга келавермайди. Агар биз ҳам заминга яқинроқ энгашиб ёки унинг бағрида ёнбошлаб олиб диққат билан кузатсак, унинг ҳар бир қаричида кўплаб қизиқарли, ажойиб мўъжизаларга дуч келган бўлар эдик.

Қани айтингчи, сизнингча нопармон-яшил тусли аскарга ўхшаш баргизуб гулининг қуруқ кўзачаси оғзидан зумрад заррасини сочиб туриши қанчалар гўзал ва ажабланарли эмасми? Ёки ҳар бир намчил гиёҳ, майсалар-чи, ёки маккажўхори поясида етилиб, тўкилиб тушадиган донлар-чи, бир дона майда уруғчадан ўсиб чиқувчи улкан дарахтлар-чи? Ана шундай, у ҳар бир

кадамда олам-олам антика нарсаларга дуч келар, уларни кузатар ва ҳар бири ҳақида жуда қизиқарли ҳикоялар, эртаклар тўқирдики, одамлар уларнинг қай бирини тингламасин, унинг қобилияти, санъатига қойил қолиб, ҳайратдан бош чайқаб:

– Бу Одензалик этикдўзнинг дароз ўғлига қайдан бунчалик ажойиб илоҳий неъмат ато этилган экан-а, балким у сеҳргардир, – дейишарди.

Одензанинг ўз театри бор эди. У ерда Андерсен илк бор “Дунай қизи” деб, номланган пьесани томоша қилиб, жуда ҳайратланган эди. Ўшандан то умрининг охиригача театр ишқивозига айланди.

Болаларни нафақат халқ оғзаки ижоди, балки театр оркали ҳам эртаклар оламига олиб кириш мумкин. Улар спектаклларни ҳам ҳайратланиб, худди эртакдек қабул қилиб, севадилар.

Ёрқин сахна безаклари, ранг-баранг чироқлар, аскарларнинг турли-туман қадимги қурул-яроғлари, мусика садолари остида бошланувчи даҳшатли жанглар, маликаларнинг хаворанг узун киприкларидан тўкилиб турувчи кўз ёшлари, ўткир, ялтироқ қилич тутган малларанг соқолли ёвуз бадкирдорлар, ҳавода учиб айланиб, рақсга тушувчи гўзал қизлар, буларнинг барча-барчаси факат эртаклардагина рўй бериши мумкин.

Аммо, Андерсеннинг театрга тушиб туришга пули йўқ эди. Бир куни у шаҳарлик афиша ёпиштиргич Петер билан дўстлашиб қолди. Андерсен унга спектаклларнинг афишаларини ёпиштиришга ёрдам берар, Петер эса бунинг эвазига янги спектаклнинг битта афишасини совға қилар эди. Христиан уни хонасининг бурчагига ёпиштириб, пьесанинг номланиши ва унда ижро этувчилар билан ҳаёлан танишиб, ана шу афишада турган номлар билан ўз фантазияси оркали пьесанинг

калбларни забт этувчи янгича рухи ҳақида ўйлар, ҳар бир спектакль воқеасини ўзининг тасаввуридаги тасвирлар билан алмаштирарди. Шундай қилиб, кунларнинг бирида болакайнинг ҳаёлида сирли ва ғаройиб болалар театрининг янги репертуари пайдо бўлар эди. Унда болакайнинг ўзи муаллиф, ўзи актёр, мусикачи, ўзи рассом, ҳам сахнанинг ёритувчиси, ҳам хонандаси эди.

Андерсен ўзи ўсган камбағал оиланинг ёлғиз, хотиржам ва эркин аъзоси эди. Оиласида уни ҳеч ким, ҳеч қачон қоймасди. Болалигидан ҳаёли ўзининг ажойиб, узундан-узоқ орзу-ўйлари билан банд бўлган. Бу ҳолат ҳаттоки унинг савод чиқариши учун ўқиш пайтида ҳам ҳалал берарди. У ёзишни тенгқурларига қараганда анча кеч ўрганди. Ҳаттоки, кексайган чоғида ҳам хатолар билан ёзар, ўзига унчалик ишонмас эди.

Андерсен кўп вақтини Оденза бўйидаги эски тегирмон ёнида ўтказарди. Тегирмон эскириб кетганлигидан ундан қисирлаган овоз чиқарди. Тарновидан ям-яшил сувўтлари осилиб, унга келиб қуйиладиган сув ён-атрофга сачраб турар, тўғоннинг қирғоғида эса балиқчалар жимирлашиб, сузиб юрганлиги кўриниб турарди.

Болакайга кимдир ёшлигида айна шу тегирмон остида, ер шарининг нариги томонида Хитой деган мамлакат борлигини, хитойликлар эса бирпасда ерости йўлини қазиб, у орқали Одензага кириб келиши ва қутилмаганда қўлларида нафис елпиғич тутган, тилла аждар сура-ти тикилган қирмизи шойи халатларда Дания шаҳарларининг моғор босган намчил кўчаларида пайдо бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида сўзлаб берган эди.

Болакай ушбу мўъжизани узоқ кутди, аммо бу воқеа содир бўлмади.

Одензада эски тегирмондан ташқари яна бир жой болакайнинг эътиборини тортар эди. У истеъфога чиқ-

қан кекса денгизчининг канал бўйида жойлашган кўрғончаси эди. Денгизчи боғининг ўртасида кўзга яққол ташланиб турадиган жойида бир неча ёғоч замбараклар ва унинг ёнида ёғочдан ясалган аскар ҳайкалини ўрнатган эди. Канал бўйлаб кемалар сузиб ўтаётганида у ясаган замбараклардан ҳавога ўксиз зарядлар отилар, ёғоч аскар эса осмонга қараб куралини сермар эди. Кекса денгизчи шу алпозда ўзининг истеъфога чиқмаган омадли капитан ўртоқларига салют берарди.

Кекса денгизчининг ушбу ажойиб кўрғонига Андерсен бир неча йилдан сўнг, талаба бўлган чоғида киришга мушарраф бўлди. У келган чоғида денгизчи ҳаётдан кўз юмган, аммо ёш шоирни гир айлана гулзор ичида бир тўда гўзал ва шўх қизлар галаси – кекса капитаннинг қизлари кутиб олишди. Андерсен кейинчалик у қизларнинг бирига нисбаттан қалбида ишқ-муҳаббат уйғонганини сезиб қолди. Аммо унинг муҳаббати гўёки туман ичра жавобсиз қолиб кетди.

Унинг ҳаёти давомида аёлларга нисбаттан пайдо бўлган қалбидаги ҳис-туйғуларининг барчаси ҳам шу алпозда якун топди.

Христиан жуда кўп хаёл сураб, хаёлига келган кўп нарсаларни орзу қиларди. Ёшлигида унинг ота-онаси яхши тикивчи-бичувчи бўлишини исташган эди. Шу мақсадда онаси унга тикиш-бичишни ўргатди. Аммо бола ўрганиб, нимаики тиккан бўлса, фақат ўзининг театридаги кўғирчоқлари учун эди. Ўша пайтлар Андерсеннинг уйида кичик театри бор эди.

Бичишнинг ўрнига эса моҳирона тарзда қоғоздан хаёлига келган турли нақшлар, бир оёғида айланиб рақсга тушадиган жажжи раққосалар шаклини кесиб ясарди. Ўзининг ажойиб қобилияти билан барчани кексайган чоғида ҳам ҳайратда қолдирарди.

Тикувчилик хунарини ўрганганлиги ёзувчилигида ҳам қўл келди. У қўлёзмани жуда тез ва зич ёзардики, хатто тўғирлашга ҳам жой қолмасди. Шундай пайтлар қўлёзманинг ўзгартирилган жойини қоғозга ёзиб олиб, орқасидан таглик қўйиб, ип билан текислаб тикиб ёпиштирар эди.

Андерсен ўн тўрт ёшга кирганида отаси вафот этди. Кечаси билан отасининг бошида йиғлаб, мижа қокмай чиқди. Ўша куни отасининг бошида у билан бирга бир чигиртка ҳам туни бўйи хониш қилганини сўзлаб берди.

Шундай қилиб, ўша куни умри давомида биргина шоир ва эртақчи ўғилни дунёга совға қилишдан бўлак ҳеч ишни урдалолмаган, бирор нарсаси билан ҳеч кимни қойил қолдирилмаган ва ҳеч нарсаси бўлмаган тортинчок этикдўз чигиртканинг сирли хониши остида ҳаёт билан видолашди.

Андерсен отасининг ўлимидан бир оз ўтгач, онасининг розилиги билан уйларида асраб қўйилган арзимаган чойчакани олиб Одензадан ўз омади, бахтини қидириб Дания пойтахти Копенгагенга жўнаб кетди. У ерда эса нима қутаётганлигини ҳеч ким билмас эди.

Унинг хотираси ёшлигидан сирли воқеаларга тўлиб-тошган, аммо буларнинг барчаси шунчаки бефойда ҳаётида асқатмаётганди. Андерсен катта бўлганида ким бўлиши ҳақида узок ўйларди. Қўшиқчи, раққосми, шоир ёки бадиий асарларни ифодали қилиб ўқиб берувчи — сухандон, сатирик, драматург, хуллас эртақчилик эса ҳаёлига ҳам келмаган эди. Шунга қарамай, қалбининг олис манзилларидан эртақларнинг мўъжизавий оҳанги дам у, дам бу ижод торлари орқали садо бериб турарди.

Эртақлар оламига Андерсенни аслида нима етаклаган эди?

Табиатнинг мафтункор бағрида ёлғиз қолиб, унинг овозига кулоқ тутиб, эртак ёзишдан ҳам завқлироқ ва осонроқ нарса йўқ, деб айтган эди у.

Айниқса, Зеландия ўрмонларида дам олган кезлари унинг фикри янада ойдинлашди. Ажойиб, мафтункор осмонида юлдузлар ғира-шира милтираб, қарийб доимо енгил туман остида ўй суриб турувчи Зеландия ўрмонлари... Ўрмон бўйлаб денгизнинг узун ястаниб туриши эса унга янада ўзгача тароват бахш этарди.

Андерсен эртакларининг кўп қисмини киш пайтида ёзганидан хабаримиз бор. Аммо, сиз болақайларнинг арча байрамини гўёки бир ғаройиб мўъжиза каби ҳаяжон билан интиқиб кутишларини, арчанинг ўзига хос кўркем тусга кириб, турли-туман товланиб турувчи бетакрор ўйинчоқлар билан чараклаб безатилишини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Приморьеда қиш қандай ўтишини биласизми? Бутун борлиқ оппоқ қумушранг қорга беланган. Ойдин киш кечасининг ёғдуланиб, уйларнинг печларида ёғоч ўтиннинг чарсиллаб ёниб туриши буларнинг ҳамма-ҳаммаси андерсенча тасаввур-у, ифода билан унинг эртакларига жо бўларди.

Балким Андерсеннинг эртақчи бўлишига Копенгаген кўчасидаги мана бу воқеа сабаб бўлгандир?..

Бир болақай эски Копенгаген уйларининг бирида тоқчада ўйнаб ўтирар эди. Унинг ўйинчоқлари унчалик кўп эмас, улар бир неча кубикчалар, папье-машедан тайёрланган эски думсиз от ва қалайдан ясалган синик аскарча эди. Болақайнинг онаси — ёшгина жувон, дераза ёнида кашта тикиб ўтирарди. Шу пайт эски денгиз порти томондан, кўчанинг пастак қиялигидан кўтарилганча қора либос кийган, жуда озғин ва дароз бўйли бир одам пайдо бўлди. Узун қўллари осилган, гавдаси

у ён-бу ён қалқиб, ўзи билан ўзи гаплашиб, болакайнинг уйи томон яқинлашиб келарди. У одам шляпасини қўлига ушлаб олган, шунинг учун ҳам кенг қия пешанази, бургутникига ўхшаш ингичка бурни ва кул ранг қисик кўзлари аниқ кўзга ташланиб турарди. Унинг чехраси деярли кўримсиз бўлиб, аммо кадди – қомаги жуда келишган, нимаси биландир чет элликларни эслатарди. Эғнидаги калта камзулининг тугма қадайдиган жойига хушбўй ялпиз шохчасини тақиб олган эди.

Агар шу нотаниш кишининг ўзига ўзи гудраниб келаётган сўзларига кулоқ тутиш жоиз бўлса, унинг салкам хиргойи тарзда қуйидаги шеърни ўқиётганининг гувоҳи бўлар эдик:

Мен сени кўксимда асрадим,
Орзу-умидларимнинг нозик гунчаси...

Болакайнинг онаси тикаётган каштасидан бошини кўтариб, ўғлига қараб:

Ана, бизнинг шоиримиз жаноби Андерсен келаяптилар. Агар у хиргойи қилаётган аллалар хонишига кулоқ тутсанг, ширин уйкуга кетиб қолишинг мумкин, деди.

Шу дам болакай қора кийимдаги нотаниш одамга бирпас тикилиб турди-да, сўнг ўйнаб ўтирган ягона оксоқ аскар ўйинчоғини қўлига олиб, кўчага Андерсен келаётган томонга югуриб кетди. Ёнига етиб келгач, ўйинчокни унинг қўлига тутдию, зудлик билан орқасига қайтиб, уйи томон югуриб кетди.

Бу болакайнинг энг қимматбаҳо совғаси эди. Андерсен, албатта, буни тушунди ва болакайнинг берган совғаси – ўйинчоқ аскарчани кўксига қадаб қўйилган ялпиз шохчасининг ёнига худди кўкрак нишонидек тақиб олди. Бунга ҳам қаноатланмай, ўйинчокни меҳр

билан кўксига босиб, янада кўзга равшанроқ ташланиб туриши учун бироз чиқариб қўйди. Болакай томонидан кўрсатилган бу ҳолат Андерсенни шу даражада тўлқинлантириб юбордики, бекорга унинг якин дўстлари ҳис-ҳаяжонга ўта берилувчанликда айбламаслиги қайта ёдига тушди.

Аёл эса кашта тикишдан бир оз тин олиб, агар шу шоирни севиб қолганимда, у билан кечган ҳаётим ўта марокли ва шунга кўра мураккаб ҳам бўлиши мумкин эди, дея ҳаёлидан ўтказди. Андерсен ҳатто ёш хонанда Дженнини севиб қолганида ҳам у учун ўзининг шоирона одатлари, бекарор орзу-хаёлларидан воз кечмаганлиги ҳақида эшитган эди. Ҳа, шоирнинг ўзига хос ўй-хаёллари, орзуларининг чек-чегараси йўқ эди.

Бир куни у ғамгин Данияга қараб шимоли-ғарб томондан хувиллаб эсиб турувчи шамолнинг йўлига, балиқчилар кемасининг мачтасига мусика асбоби – арфани қистириб, шамол таъсирида унинг торларидан тараладиган мунгли садони тинглагиси келди. Бу, албатта, фақат Андерсенгагина хос бўлган орзу-хаёлларнинг бир кўриниши эди.

Андерсен ўз ҳаёти ҳақида сўзлаганида, унинг соз ва шодон ўтганлигини таърифлаб, болаларча шодланиб қувонарди. Ҳаётга бу қадар беғубор, софдиллик билан қараш фақатгина Андерсен каби қалби тоза, маънавий денёси бой бўлган инсонларгагина хос бўлган фазиладир. У каби инсонлар турмушда учрайдиган ҳар қандай майда-чуйда ходисаларга ўралашиб, нолиб, вақтини бекорга бой беришдан кўра, ярқираб турган борлиқ поэзияси билан завкланиб яшашни афзал биладилар. Қани айтинг-чи, тароватли ва гўзал кўклам нафаси ҳар бир дарахт куртакларидан бўса олаётган дилбар лахзаларни бой бермасдан кузатиш, икир-чикир ташвишу, ғамларга

эйтибор бермай яшаш нақадар завқли! Ахир, бу кундалик майда-чуйда нарсалар гўзал ва дилрабо, хушбўй кўкламнинг олдида нечоғлик арзимас эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг-чи!

Ҳа, Андерсен шундай кенг дунёқараш билан ширин орзулар оғушида ҳаёт кечиришни истар эди.

Аммо, Копенгагенга келган чоғларида ҳам анча қайғу-аламларга дуч келди. Ўша кезлар мамлакатда қашшоқлик авж олган, ижод аҳли, жумладан шоир, ёзувчи ва мусикачиларга нисбатан менсимай қарашлар кўпчилик қатори унинг ҳам кўнглини эзарди.

Андерсенга ҳатто кексалик чоғида ҳам унга қарата дания адабиётининг этикдўз оиласидан чиққан “қашшоқ намоёнчаси”, камбағал боласининг ҳар бир жойда, айниқса раҳбар, уламолар ўтасида ўз ўрнини билиб юриши лозимлигини бот-бот уқтириб туришарди. Ҳар дам унинг устидан қулишиб, ҳар қадамда изза қилишга ҳаракат қилишарди. Шундай ҳаракатлардан сўнг у доим ўз-ўзига “нима учун шундай?”, деб савол берарди.

Бунинг сабаби, балким унинг томирларида қабағал, камтарин одамлар қони оқаётганлигидадир. Балким у ҳам бошқаларга ўхшаб, данияликларнинг назарича яшашни билмаганлигида, ўзини ҳеч қачон катта тутиб, гўёки ҳаётда омади чошган қалтафаҳм, қалондимоғлар қаби гердаийб юрмаганлигидадир. Балким, Оллоҳнинг марҳамати билан ҳақиқий шоир бўлиб яраганлигидадир.

Ўша пайтлар тор фикрли данияликлар назаридагидек яшашни билмаслик жамоа орасида энг оғир иллат деб қараларди. Андерсенга эса бундай одамлар ўртасида уларга ўхшаб яшаш оддий сўз билан айтганда ўта ноқулай эди. Донишманд Кьеркегор айтганидек, у беғубор хушчақчақ қалб эгаси, тенги йўқ, бебаҳо шоиртабиат шахс эди. Худди бир пайтлар шеърият китобига

битиблиб, кутилмаганда пайдо бўлган-у, унутилган ва кайта дунёга келган сирли мўъжизавий китоб каби ҳеч қачон кутубхонанинг чанг тоқчаларига қайтиб кетиши мумкин эмасди.

– Менинг барча яхши хислатларимни лойга қориб ташлашмоқчи бўлишди, – дея болалар вақтихушлик қилиш учун тошбўрон қилиб, азоблаётган кучукка ўхшатарди ўз ҳолатини Андерсен.

Аммо ўзингиз айтинг-чи, узун ойдин кечаларнинг ёруғида наъматак гулларида таралиб турувчи оппоқ шуълаларнинг гувоҳи бўлган ёки ўрмон ичидаги оддий тўнканинг нималардир деб жавраб турганини тинглаётган ёки шу каби кўплаб ғаройиб ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган инсоннинг ҳаёт йўлини майда - чуйдалар билан ёпиб бўлармиди ахир!

Аммо Андерсен ҳаёти давомида қанчалар озор чекмасин, изтироб чекмасин, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам инсонларга доимо яхшилик, эзгулик истаб яшади. Бундай инсоннинг иродаси олдида фақат таъзим қилиш мумкин.

У ўзининг камбағаллар билан қони бирлигидан фахрланарди. Даниялик ёзувчилар ташкил этган “Ишчилар уюшмаси”га биринчилар қаторида аъзо бўлди, жонудили билан ишчи, камбағал, деҳқонлар ўртасида ўзининг ижодий намуналаридан ўқиб берарди. Мабоодо оддий инсонларга нисбатан менсимаслик, адолатсизлик ва ёлғон тухматлар қилинаётган ҳолатларга дуч келиб қолса, бунга асло чидолмас ва аёвсиз инсонга айланарди. Унинг қалбида болаларча беғубор хислатлари билан бирга ноҳақликларга қарши аччиқ аламлари, изтироблари ҳам ёнма-ён яшарди. Бу ҳолатни “Яланғоч қирол” номли эртагида кенг тасвирлади.

Камбағал оила фарзанди, унинг дўсти хайкалтарош Торвальдсен оламдан ўтганида буюк ижодкорнинг ва-

фотидан хабар топиб, унинг тобути олдида данияликларга хос бўлган намоийшкорона, тантанавор кўринишда гердайданча тизилиб турувчи уламоларнинг туриши Андерсеннинг кўз ўнгига келиб кетди.

У Торвальдсеннинг вафотига бағишлаб ўзининг катта кантата¹си – йирик мусикий асарини ёзди. Унинг дафн маросимига бутун Амстердамдан камбағал, қашшоқларнинг фарзандларини йиғди. Болалар занжир шаклида тизилиб, қўл ушлашиб бутун маросим давомида Андерсеннинг кантатасини жўр бўлиб куйлашди. Кантата шундай сўзлар билан бошланарди:

Йўл беринг бечоралар тобутига –

Уларнинг орасида кетмоқдаман ўзим ҳам...

Андерсен шоир дўсти Ингеман хақида “У шеърят уруғини камбағал деҳқонлар даласидан излади”, деб ёзган эди. Унинг бу таърифи ўзининг ижодига ҳам кўпроқ тааллуқлидир. Чунки, Андерсен ҳам поэзия уруғини камбағал деҳқонлар даласидан териб, қалб кўрида қиздириб, уларнинг пастак хароба кулбаларига сочарди. Унда эса поэзиянинг ғаройиб дарахтлари униб чиқар, турфа гуллари барқ уриб, мазлумлар қалбига қувонч бахш этарди.

Андерсен учун мактабда ўзидан анча ёш болалар билан бир партада ўтириб ўқиган йиллари ҳам жуда оғир кечди, қалби хўрланди. Ўзининг ҳақиқий ҳаёт йўлини қидириш мақсадида кечган умрининг ўша дамлари у учун энг чигал ва рухий азобланиш йиллари бўлди. У ўзидаги ижодий қобилиятни санъатнинг қайси турига тегишли эканлигини узоқ вақтгача англай олмади.

“Худди тоғликлар улкан қоялар тошини зарралаб, зинапоялар ясаб юқори кўтарилгани каби, мен ҳам шу

¹ Хор учун мўлжалланган йирик мусикий асар.

кадар машаккат ва сабр-каноат билан одимлаб, адабиётда ўз ўрнимни топдим”, – деган эди Андерсен кексалик чоғларида.

Бир куни шоир Ингеман:

– Сиз ҳар қандай оқаётган сув тагидан ҳам қимматбаҳо дуру жавахирлар топа оладиган бебаҳо қобилият соҳибисиз, деб айтган эди. Шоирнинг бу сўзлари Андерсеннинг ўзидаги қобилиятни англашига сабаб бўлди.

Ва ниҳоят унинг йигирма уч ёшида “Амагер ороли бўйлаб саёҳат”, деб номланган ҳақиқий андерсенча китоби босилиб чиқди. Андерсеннинг ушбу китоби “ғаройиб, ранг-баранг ҳаёллари осмонини” дунёга намоиш этишига имкон берди.

Андерсен Дания бўйлаб кезар экан, доимо қалбида аллақандай мафтункорлик завкининг ажиб титроғини сезиб яшади. Келгусидаги ҳаёт йўли ойдинлашди. Китобидан тушган озгина қалам ҳақини Европа бўйлаб саёҳатга сарфлади.

Андерсеннинг ушбу илк саёҳатини дунё бўйлаб эмас, ўзининг буюк замондошлари орасига қилинган саёҳати, деб аташ мумкин. Чунки у қаерга бормасин, ўша жойда ўзи севган буюк ёзувчилар, шоирлар, муסיкачи, рассомлар билан танишди.

Албатта, у бундай учрашувларни нафақат табиий, эҳтимол, муҳим деб билди. Учрашувлар давомида унинг истеъдодига буюк замондошлар томонидан билдирилган фикрлар унга қудрат бағишлади.

Андерсеннинг бутун ҳаёти доимий алмашилиб турувчи мамлакатлар, шаҳарлар ва унда яшовчи халқлар, узун йўллар давомида ҳамроҳ бўлган йўловчилар, уларнинг турли-туман ажойиб ҳикоялари, фикр-мулоҳазалари, улардан олган таассуротлари асосида ҳаяжонли лахзаларни ўзида мужассам этган ҳақиқий “йўл поэзияси”

оғушида ўтди. У қаерда ёзгиси келса, ўша жойда ёзди. Рим, Париж, Афина, Константинополь, Лондон, Амстердам меҳмонхоналарида қирмизи сиёҳдонларда унинг ўткир пероси канчалар кўп из қолдирганлигини ҳеч ким санаб адо қилолмайди.

Андерсен жуда тез ёзар эди. Аммо қўлёзмаларни ишлаш даврида ўта талабчанлик ва диққат билан тўғирларди.

Тез ёзишининг асосий сабаби унинг ҳақиқий импровизаторлик қобилиятидан дарак берарди.

Импровизация – бу ижодкорларнинг ён-атрофда содир бўлаётган воқеаликларга бефарқ бўлмай, улар тўғрисидаги фикрларга ўз муносабатларини изҳор қилиш, билдириш қобилиятидир.

Бундай қобилият эса узоқ кузатувлар жараёни ва ажойиб хотира яъни эслаб қолиш хусусиятига эга бўлган инсонлардагина учрайди.

Андерсен Италия тўғрисидаги повестини ҳақиқий импровизаторлик нуқтаи назаридан яратди. Шунинг учун ҳам бу асарини “Импровизатор” деб номлади.

Келинг, энди яна унинг саёҳатлари тўғрисидаги хикоямизга қайтамыз.

У илк саёҳатини юзлаб кемалар сузиб юрган Каттегат¹ бўйлаб амалга оширди. Бу сафари ҳам жуда қизиқarli ва завқли кечди.

Ўша пайтлар Каттегат бўғози узра “Дания” ва “Каледония” деб номланувчи пароходлар пайдо бўлган эди. Улар елканли кема капитанларининг худди денгиз довули каби ғазабини кўзғатарди.

Чунки пароходлар бўғозни тутунга тўлдириб елканли кемалар орасидан сузиб ўтаётганида хижолат тор-

¹ Ютландия ярим оролининг шарқий қирғоғи билан Скандинавия оролининг жануби-ғарбий томонининг қуйилиш жойидаги бўғоз.

тиб, гўё ўзларини масхара бўлаётгандек сезарди. Шу сабабдан кема бошликлари карнай оркали уларга қараб бисотидаги энг сараланган, энг уятсиз сўкишларини изхор қилиб қолар эдилар. Пароходларни “мўри тозаловчи”, “дудланган думлар”, “бадбўй мағзава”, деб ерга уришга ҳаракат қилар эдилар.

Пароход ва кемалар ўртасида бўлиб ўтадиган бу каби жанжаллардан Андерсен завкланиб, вақти чоғ бўларди ва мириқиб қулар эди.

Каттегат бўғози бўйлаб қилган сафаридан сўнг Андерсеннинг “ҳақиқий саёҳатлари” бошланди. У кўп марталаб бутун Европани айланиб чикди. Кичик Осиё хаттоки Африкада ҳам бўлди.

Парижда Виктор Гюго ва буюк артист Рашель билан танишиб, Бальзак билан яқиндан суҳбатлашди. Гейне уни ўз уйига меҳмонга таклиф этди. Андерсен Гейне-ни уйида парижлик ёш гўзал аёли ва бир кучок қувноқ фарзандлари қуршовида учратди. Болаларни кўриб, шошиб қолган Андерсенга қараб:

– Хайрон бўлманг, буларнинг барчаси ўзимизнинг болаларимиз, биз уларни қўшнилардан сўраб олганмиз, дея ҳазиллашди, Гейне.

Дюма Андерсенни Парижнинг арзон театрларидан бирига олиб кирди. Бир куни эса Дюманинг навбатдаги романини ёзиб ўтирганини кўриб қолди. Ўз асари устида ишлаётган Дюма романидаги қаҳрамонлар билан баланд овозда жанжаллашиб сўкишар, гоҳ эса думалаб-думалаб котиб қулар эди.

Андерсенга Вагнер, Шуман, Мендельсон, Россини ва Лист каби буюк ижодкорлар ўзларининг мусиқий асарларини чалиб бердилар. Андерсен Листнинг асарларини тинглар экан, унинг ижодини “тор бўйлаб кўтарилган бўронлар руҳи” дея таърифлади.

Андерсен Лондонда Диккенс билан учрашди. Улар бир-бирига рўбарў келишганида Диккенс Андерсеннинг кўзига маъноли тикилиб турарди. Андерсен ҳам унга карашга ҳаракат қилди, аммо буюк қалб соҳиби Диккенснинг нигоҳларига дош беролмай, хаяжондан йиғлаб юборди.

Андерсен Диккенснинг денгиз бўйидаги шинамгина уйида меҳмонда бўлди. Ҳовли ташқарисида италиялик шарманка чалувчи тинмай хониш қилар эди. Дераза ортида туша бошлаган ғира-ширалик ичра машғала ялтирар, денгиз бўйлаб шундоққина уйнинг ёнидан эса Темзадан йўлга чиққан бесўнақай кемалар сузиб юарди. Дарё қирғоқлари узра чироклар худди торф ёнаётгандек товланар, дам Лондон заводлари, дам кемалар тузатиладиган корхоналар мўрисида тугун буруксиб турар эди.

– Бизнинг уйимиз болаларга тўла, – деди Диккенс Андерсенга. Сўнгра чапак чалган эди, буни кутиб турган ва Андерсеннинг ташрифидан кувончга тўлган ўғил-қизлари хонага югуриб киришди. Болалар сеvimли эртақчининг ажойиб хикоялари учун миннатдорчилик сифатида уни ачомлаб, ўпиб, атрофини ўраб олишди.

Андерсен ҳаётининг асосий қисмини Италияда ўтказди.

Рим кўплаб чет эллик ёзувчи ва рассомлар каби унинг ҳам иккинчи ватанига айланди.

Бир куни Андерсен дилижанс – йўловчи ташийдиган арава билан Италиянинг кўчалари бўйлаб кетиб борарди. Осмон чараклаган юлдузларга тўла, баҳор оқшоми эди. Дилижансга йўлдан бир тўда кишлоқ қизлари чиқишди. Коронгулик оғушида аравадагилар бир-бирларининг юзларини кўролмасдилар. Аммо шунга карамай, бирпасдан кейин улар ўртасида кизгин

сухбат бошланиб кетди. Тун шунчалик қоронғу эдики, сухбат давомида Андерсен қизларга қанчалар тикилмасин, уларнинг ҳар замон оппоқ бўлиб ялтираган тишларини кўролди холос.

Қизларга уларнинг ўзлари ҳақида ҳикоя сўзлай бошлади. Унинг ҳикоясида қизларнинг ҳар бири гўё ғаройиб эртақлардаги маликалар эдилар. Андерсеннинг таърифи бўйича қизларнинг ҳар бири ўзгача бир олам, гўзаллик ва латофат соҳибаси ҳамда ўз-ўзича бахтиёр эдилар. Уларга сирли мовий кўзлари, хушбўй майин сочлари, қуюқ киприклари ҳамда қирмизи, ғунча лабларини тасвирлаб, ажойиб эртақ айтиб берди.

Қоронғулик оғушида қизлар тортиниб кулишар, ажойиб ҳамроҳнинг кўнгилни кўтарувчи ҳикоялари учун миннатдорчилик сифатида баъзиларининг кўз ёшлари ялтираганлиги ҳам сезилиб турарди.

Шу чоғ қизларнинг бири Андерсендан унинг ўзи ҳақида ҳам сўзлаб беришини сўраб қолди.

Андерсен ўзининг чиройли эмаслигини биларди. Аммо айтиб дамда қизларга ўзини хушсуврат, истараси иссиқ, қадди-қомати келишган ва навқирон бир йигит этиб тасвирлай кетди.

Ва ниҳоят, оқшом янада қоронғулик бағрига чўмган бир дамда йўл давомидаги бу ажойиб учрашув ҳам ниҳоясига етди. Арава шаҳарнинг сокин бир жойида, қизлар тушиши керак бўлган манзилда тўхтади. Улар аравадан тушишар экан, мўъжизавий нотаниш йўловчи билан ҳаяжон ичра, нозик ўпичлар олиб хайрлашишди.

Дилижанс йўлида давом этди. Арава ортида шувуллаган ўрмон, отларнинг пишқириғи, Италия осмонидан шундоққина пастда ёйилиб, ёғду сочиб турган юлдузлар манзарасидан Андерсен жуда бахтиёр эди. Ҳаёти давомида эса бундай бахтли ва завқли онларни ҳис қил-

ганлигини эслолмади. У йўл давомидаги кутилмаган бу каби ажойиб ходисалар ва бир лаҳзалик бўлса-да, ёкимли учрашувлар учун дилдан шукроналар келтирди.

Италия Андерсеннинг қалбини бутунлай забт этган эди. Тошлардан ясалган кўприklar, хароба уйлари, мармар фасадлари, уйлар атрофи, хиёбонлардаги бир-бирига чирмашиб ўсаётган бетакрор манзарали кўм-кўк буталар, шуурингизни яна такрор гўзалликнинг сирли оламига тортиб, мафтун этувчи сув юзида барқ уриб очилиб ётган Венеция нилуфарлари, Латеран хайкали, куз хавоси узра Рим устидаги совуққон, сархуш жимирлаб турувчи гумбазларни эркаловчи куёшнинг илик нурлари, буларнинг барчаси Андерсеннинг қалбида Италияни гўё қайтадан яратган эди.

Андерсен 1875 йилда оламдан ўтди. Мен бу хикоям орқали Андерсеннинг ёзган асарлари ёки унинг шоир ва эртакчи эканлигидан бошқа сифатларини санаб ўтирмадим.

Буюк эртакчи Андерсеннинг ҳаёти асосан кийинчиликлар исканжасида ўтган бўлса-да, аммо у умрининг сўнгги лаҳзаларигача болаларга хос бўлган беғубор кўнгли билан ҳамоҳанг яшади. Бетакрор бадихагўйлиги, эртаклари орқали катта-ю кичикнинг қалбини забт этиб, уларнинг қалбини ҳис-туйғуларга тўлдириб, гўзал орзу-умидлар бахш этганлиги туфайли такдир унга ўз халқининг чинакам меҳру муҳаббатига эришиш, севимли инсонига айланиш саодатини насиб этди.

Ҳа, Андерсен камбағал оддий оиладан етишиб чиққан ижодкор бўлса-да қироллар ҳам уни шарафлаб олқишлар, қурукшаган қўлларини сиқиб қўйишарди.

У оддий халқ қуйловчиси эди. Бутун ҳаёти давомида ўлмас, умри боқий санъатнинг ҳақиқий хазинаси, ҳақиқий манбаи факат халқ шуурида эканлигини ва

бошқа хеч жойда топилмаслигини исбот этди. Қалбидаги буюк поэзияни эса ватанига бўлган чексиз муҳаббати рамзи сифатида худди бошқа жойларда учрамайдиган, Дания осмони бағрида ёйиладиган кенг, ёрқин камалаклар сингари рангин суратларда ифода этолди.

Адерсеннинг кабри узра доимо у севган оппок атиргуллар ястаниб, ранг-баранг камалаклар кенг осмон бағрига очилган зафар дарвозаси каби яраклаб турсин.

1995 йил

ҚОР

Қария Потапов Татьяна Петровна унинг уйига келиб жойлашгандан сўнг, бир ой ўтиб вафот этди. Татьяна Петровна унинг уйида кизи Варья ҳамда қари энага аёл билан ёлғиз қолди.

Учтагина хонадан иборат бўлган ушбу кичкина уй шаҳарчадан чикиб кетаверишда, шимолий дарёнинг ёқасида, тоғнинг устида турарди. Уйнинг орқасида, айланасига ўраб олинган боғда кайинзор оқариб кўзга ташланиб турарди. Унда эрта тонгдан то қош қорайгунча зоғчалар чуғурлашиб, яланг чўккилар устида бутутларга қараб ўрлаб, гўё хавонинг ўзгаришидан хабар бериб турарди.

Татьяна Петровна Москвадан келгандан бери ушбу овлоқ шаҳарчага, унинг пасткам уйчалари, ғичирлайдиган эшиклар, керосинли чирокдаги оловнинг часирлаши эшитилиб турадиган хилват оқшомларга узок пайтгача кўниколмай кийналди.

“Қанчалар аҳмоқ эканман! — дея, ўйларди Татьяна Петровна. — Нега театрни, ўртоқларимни ташлаб Москвадан кетдим! Варяни Пушкинодаги энагага олиб

борсам, ҳеч вако бўлмасди, ўзим эса Москвада қолишим керак эди. Эй, Худойим, қанчалар аҳмоқман-а!”

Бирок, энди Москвага қайтиб бўлмасди. Шунда Татьяна Петровна лазарет – ҳарбий қисмлар қошидаги касалхонага киришга қарор қилди. Шаҳарчада бир нечта бундай касалхоналар борлигини ўйлаб, қўнгли таскин топди. Бир оз вақт ўтиб, шаҳарча ҳатто унга ёқа бошлади. Айниқса, киш келиб, атрофни қор қоплаган кезлар, кунлар юмшаб, оқариб қолди.

Дарё юзи анчагача музламади, унинг қўм-қўк тиник сувидан буғ кўтарилиб турарди.

Татьяна Петровна аста-секин бу шаҳарчага ҳам, мана шу бегона уйга ҳам ўрганиб қолди. Бу ерда турган сози бузилган роялга, бесўнакай соҳил мудофаа кemasининг тасвирлари муҳрланган деворлардаги сарғайиб кетган фотосуратларга ҳам қўниқди. Қария Потапов қадимдан кема механиги бўлган. Хонадаги оқариб кетган яшил мовутли ёзув столи устида ўзи сузган ҳарбий крейсер “Громобой”нинг модели турарди. Варянинг бу моделга тегишига асло рухсат берилмасди. Умуман олганда, бу ерда ҳеч нарсага тегишга рухсат йўқ эди.

Татьяна Петровна Потаповнинг ҳозирги пайтда Қора денгиз флотидида хизмат қилаётган денгизчи ўғли борлигини биларди. Стол устидаги крейсер моделининг ёнида унинг гувоҳномаси турарди. Баъзан Татьяна Петровна уни қўлига олиб қарар, ингичка қошини чимириб ўйланиб қоларди. Чунки у йиғитни қачонлардир, қаердадир учратгандек туйилаверарди. Аммо учратган бўлсаям жуда илгари, ҳали турмушга чиқмаган пайтлари, ҳа албатта, уни ўзининг омадсиз никоҳидан олдинроқ қўрган. Аммо, қаерда ва қачон учратган бўлиши мумкин?

Гувоҳномадаги суратдан жилмайибгина, хотиржам нигоҳи билан боқиб турган денгизчи йиғит эса ҳар

доим ундан: “Нима бўлди, нахотки, каерда учрашганимизни эслолмаётган бўлсангиз?”, деб сўраётгандек туйилар эди.

– Йўқ, эслолмаяпман, – деди, жимгина Татьяна Петровна.

– Ойи, ким билан гаплашяпсиз? – дея, сўради овозини кўтариб, қўшни хонадан Варя.

– Роял билан, – дея, кулиб жавоб берди Татьяна Петровна.

Кишнинг ўрталарига келиб Потаповнинг номига бир одамнинг қўли билан ёзилган хатлар кела бошлади. Татьяна Петровна уларни ёзув сталининг устига тахлаб қўярди. Бир куни у тунда уйғониб кетди. Ташқаридаги қор ойнадан ялтираб ғира-шира кўзга ташланиб турар, диваннинг устида эса, Потаповдан мерос бўлиб қолган Архип лакабли кўкимтир кул ранг мушук хуриллаб ухлаб ётарди.

Татьяна Петровна эгнига халатини ташлаб олди-да, Потаповнинг хонасига кириб, деразага караб бир оз туриб қолди. Дарахт шохидан бир қушча овозини чиқармай, қорни қокиб, охистагина учиб кетди. Унинг орқасидан ёйилиб кетган қор заррачалари анча пайтгача сочилиб турди-да, дераза ойнасини қоплаб олди.

Татьяна Петровна стол устида турган шамни ёқди ва креслога ўтириб олиб, узок вақт кимир этмай, шамнинг липиллаб ёнишига тикилиб қолди. Сўнгра, стол устига тахлаб қўйилган хатлардан бирини олиб очди-да ўқий бошлади.

“Азизим, нуронийгинам! Мана бир ой бўлди, госпиталда ётибман. Ярам унчалик оғир эмас. Битиб бошлади ҳам. Худо ҳақки, факат сиз кўпам қайғураверманг, хадеб папирос кетидан папирос чакаверманг. Сиз-

дан ёлвориб сўрайман!”, деб ёзилган эди хатда. Татьяна Петровна яна ўқишда давом этди.

“Ота, мен сиз ҳақингизда кўп ўйлайман, уйимиз, шаҳарчамиз тез-тез ёдимга тушади. Ҳозир уларнинг ҳаммаси жуда ҳам олисда, худди ер юзининг бир чеккасида қолиб кетгандек. Кўзларимни юмган заҳотим уйимиз, кадрдон жойлар кўз ўнгимдан ўтаверади. Мана, ҳозир ҳам гўё мен шундай эшикни очаяпману, боғимизга кириб бораёпман. Қиш, ҳамма ёк оппок қор. Сайхонликдан тепада, то эски шийпончагача борадиган йўлакча топ-тоза қилиб қўйилган. Настарин буталарини эса ҳалиям киров босиб турибди. Хоналарда қайин дарахтининг хиди таралиб, печлар гувуллаб ёниб турибди. Ва ниҳоят роял ҳам созланган. Сиз шамдонларда мен Ленинграддан олиб келган сариқ бурама шамларни ёкиб қўйгансиз. Роялнинг устида эса ўша “Пиковая дама” ва “Ватаннинг олис қирғоқлари учун” романсларининг ноталари турибди. Айтганча, эшикнинг кўнғирокчалари ҳалиям жаранглайдими? Мен ўшанда уни созлаб улгурмагандим. Нахотки, яна уларни қайта кўролсам? Нахотки яна ўша йўл бўйидаги қудуғимиздан олинган сувда, кўзадан ювинсам? Уларни сиз ҳам эслайсизми? Эҳ, агар билсангиз эди, мен уларнинг ҳаммасини мана шу узоқларда туриб, севиб қўмсаётганимни! Сиз ҳайрон бўлманг, ота, мен буларни ўта жиддий айтяпман, буларнинг ҳаммасини урушнинг энг даҳшатли сонияларида ёдга олдим. Мен бу ерларда туриб, нафақат кенг ватанимизни парча жой – сиз, боғимиз, ўша жойлардаги тикка сочли болақайлар, анхор бўйидаги қайинзорларни ва ҳатто мушугимиз Архипни ҳам кўриқлаяпман. Илтимос, кулманг, бошингизни чайқаманг, отажон. Қайдам, балки госпиталдан чиққанимда бир оз муддатга уйга кетишига рухсат беришар. Янаям билмадим. Яхшиси кутманг”.

Татьяна Петровна анча пайтгача стол атрофида ўтириб, кўзларини катта-катта очганча, дераза ортида кўкимтир осмон бағридан секин оқариб отаётган тонгга қараб, фронтдан якин кунларда уйга мана шу нотаниш одам келиб қолса керак, деб ўйлади. Аммо у бу ерда бегоналарнинг туриши бошқа ҳамма нарсаларнинг қўриши у хоҳлаганидан мутлақо бошқача эканлиги унга жуда оғир ботса керак, дея ўйини давом эттирди.

Тонгда Татьяна Петровна Варяга тахта куракни олиб, шийпончага чиқадиган йўлакни тозалаб қўйишини буюрди. Шийпонча жуда эскириб қолган, тахта устунлари хира тортиб, усти қавариб кетган эди. Татьяна Петровнанинг ўзи эса эшикда илиниб турган кўнғироқчаларни созлади. Унинг устида қуйидагича қулгили сўзлар қуйиб ёзилган экан: “Мен илинган кўнғироқ – чала қолгин қувноқроқ!” Татьяна Петровна кўнғироқчаларга теккан эди, у баланд жаранглаб кетди. Кўнғироқнинг бирданига қувноқ жаранглаб кетганидан чўчиб тушган мушук Архип қулоқларини қисиб олди-ю, хойнахой қандайдир сурбет бўлса керак, деган каби, норози қараб қўйдию, дахлиздан чикиб кетди.

Татьяна Петровна кундузи юзлари кизариб, шовқин солиб, ҳаяжондан кўзлари чарақлаб, шаҳардаги бир цехдан керосин пиликли асбобларни, хайкал, қўғирчоклар, гармон ва роялларни созлайдиган уста қолни бошлаб келди. Созловчининг фамилияси жуда қизик, Невидадь, миллати эса чех экан. Уста қол роялни созлаб бўлгач, унинг қадимги аммо, жуда яхши эканлигини айтди. Буни Татьяна Петровнанинг ўзи ҳам яхши биларди.

Уста кетгач, Татьяна Петровна ёзув столи қутиларининг ичини эҳтиёткорлик билан кўздан кечира бошлади. Шу пайт қутиларнинг биридан бир даста қалин бурама шамларни топиб олди ва роял устида турган шамдонларга жойлаб қўйди. Кечга бориб шамларни ёқди, сўнг

роял ёнида ўтирди ва куй чала бошлади. Бутун уй тара-
лаётган куйнинг жарангига тўлиб кетди.

Татьяна Петровна куй чалишдан тўхтаб, шамлар-
ни ўчирган эди, хона бўйлаб арча байрамидаги каби
ёқимли тутун хиди таралди.

Онасининг бу ҳаракатларини кузатиб турган Варя
чидаб туrolмай:

— Нега бировнинг нарсасига тегинаяпсиз? — деди, у
Татьяна Петровнага. — Менга рухсат бермасдан, ўзин-
гиз ҳамма нарсаларга, кўнғирокчалар, шамларга ҳам тег-
дингиз. Бегона ноталарни олиб, роял устига қўйдингиз.

— Менга мумкин, ченки мен каттаман, — дея, жавоб
берди Татьяна Петровна.

Варя хўмрайиб, ишонқирамай унга каради. Айни
пайтда Татьяна Петровна ёши катталарга ҳечам ўхша-
масди, аксинча у яйраб-яшнаб, биллур туфлисини шох
саройида йўқотиб қўйган эртакдаги тилла сочли қизга
ўхшаб кетарди. Бу эртакни ҳам Варяга Татьяна Петров-
на сўзлаб берганди.

Поезднинг ўзидаёқ лейтенант Николай Потапов ота-
сининг уйида бир суткадан кўп коломаслигини чама-
лаб қўйди. Чунки, унга берилган таътил жуда қиска бў-
либ, унинг ҳам кўпроқ қисми йўлга сарф бўлди.

Поезд кундузи шаҳарчага етиб келди. Лейтенант
вокзалнинг ўзидаёқ унга таниш бўлган станция бош-
лиғидан бир ой аввал отаси вафот этганлигини ва улар-
нинг уйига Москвадан келган ёшгина хонанда бир аёл
қизи билан яшаб турганлиги ҳақида билиб олди.

— Улар эвакуация қилинган, — деди, бекат бошлиғи.
Бу хабарни эшитган Потапов жимгина ойна ортидан
пахтали кийимда, кигиз этик кийиб олган, қўлларида
чойнак кўтариб югуриб ўтиб кетаётган йўловчиларга
тикилиб қолди. Унинг боши айланиб кетди.

— Ҳа, деди бекат бошлиғи, — у жуда самимий, яхши инсон эди. Афсуски, унга ўғли билан кўришиш насиб қилмаган экан.

— Поезд қачон ортга қайтади, — сўради, Потапов.

— Кечки пайт, соат бешда, — дея, жавоб қилди бекат бошлиғи, бирпас жим турдию, сўнг, — Сиз менинг уйимда қолақолинг. Кампирим сизга чой дамлаб беради, қорнингизни тўқлаб оласиз. Уйингизга шошилишга не ҳожат.

— Раҳмат, — деб жавоб берди Потапов ва у ердан чиқиб кетди.

Бошлиқ унинг кетидан бошини кимирлатганча қараб қолди.

Потапов шаҳар орқали чиқиб, дарё бўйига келди. Унинг устида зангори осмон кенглиги ёйилиб, осмон билан ер орасида қиялатиб сийрак қор ёғарди. Четига гўнг тўшалган йўл бўйлаб зоғчалар учиб-қўниб юришибди. Қош қорая бошлади. Дарёнинг ўрмон тарафидаги қирғоғидан эсган шамол, унинг кўз ёшларини учира бошлади.

“Нима бўлганда ҳам, кечикдим, — деди, Потапов, — Энди бу шаҳар ҳам, мана бу дарё, хатто уйимиз ҳам менга худди бегонадек”.

У ҳамма ёққа разм солди, шаҳардан нари жарлик томонга тикилди. У ерда кировга бурканган боғ, унинг адоғида қорая бошлаган уйи турарди. Уйнинг мўриси-дан тутун чиқаётган эди. Шамол эса тутунни қайинзор томон учуриб кетаётган эди.

Потапов аста-секин кадам ташлаб, уй томонга юра бошлади. У шундай, уйнинг олдидан ўтиб, ичкарига кирмасдан, боғ томонга ўтиб, бир қарамоққа, эски шийпонча тагида бирпас турмоққа қарор қилди. Энди ота уйида унга аҳамияти йўқ, мутлако бегона бўлган одамлар яшаётганлигини ва бу ҳолатга тоқат қилолмаслигини ҳаёлидан ўтказди, тасаввур қилди. Ундан кўра, ҳеч

нарсани кўрмай, юракни ҳам қийнамай, бу ердан олисларга кетиб, эски хотираларни унутиш керак!

“Ана шундай, кундан-кунга улғайиб бораверасан, борган сари атрофга жиддий қараркансан, – дея, кўнглидан ўтказди Потапов”.

Потапов кош қорайганда уйи яқинига келди. Секингина боғча эшигини очмокчи бўлди, аммо у барибир ғичирлаб кетди. Унинг овозидан боғ ҳам худди сесканиб кетгандек бўлди гўё. Новдалар шохидан шитирлаб қор тушди. Шу пайт шийпончага борадиган йўлакнинг топ-тоза қилиб қўйилганига разм солди. Потапов шийпончага кириб борди ва қўлини эски суянчикка қўйганча, артофни кузата бошлади. Узокдан, ўрмон ортида, осмон бағри хира ним пушти рангда кўзга ташланиб турарди, балки булутлар орқасидан ой кўтарилаётгандир. Бирпасдан сўнг Потапов фуражкасини ечди ва сочини қўли билан силади. Атроф жимжит эди, фақат пастрокда, тоғ этагида қўлларига бўш челақ олиб, музлаб ётган дарё юзининг ёрилган жойидан сув олишга кетаётган аёлларнинг шовкини эшитилиб турарди.

– Бу ёғи қандай бўлди-я? – деди, ўзига-ўзи аста шивирлаб, суянчикка тирсагини тираб олган Потапов.

Шу пайт кимдир унинг елкасига охиста туртгандек бўлди. У орқасига ўгирилиб қаради. Унинг ортида оппок юзли, чехраси жиддий, бошига иссиқ рўмол ўраб олган ёшгина аёл турарди. У корамтир, синчков кўзлари билан жимгина Потаповга қарарди. Унинг киприклари ва яноғидан дарахт шохларидан келиб тушган қор эриб тушарди.

– Фуражкангизни кийиб олинг, шамоллаб қоласиз, – дея, охиста гап бошлади, у аёл, – юринг, уйга кирамиз. Бу ерда туришнинг кераги йўқ.

Потапов нима қилишини билмай, турган жойида индамай қараб қолди. Шунда аёл унинг енгидан ушлаб, тоза-

лаб, кураб қўйилган йўлак бўйлаб уйга бошлади. Потапов эшикдан кираверишга келди, касали қўзиб, томоғи сиқилиб қолганидан, нафас ололмай, туриб қолди. Шунда аёл:

– Ҳечкиси йўқ. Илтимос, сиз мендан уялманг. Ҳозир ўтиб кетади, – деди, яна оҳиста оҳангда.

У оёқ кийими устидаги корни тушириш учун оёғини ерга уриб қока бошлади. Шу пайт эшикнинг устидаги қўнғирокчалар жаранглаб кетди. Шунда Потапов чуқур нафас олиб, ўзини ўнглади.

Потапов нимагадир хижолат тортиб, ичкарига кирди. Уйнинг кираверишида шинелини ечиб қолдирди. Уй ичидан енгилгина кайин тутунининг иси келиб турарди. Шунда қўзи ногоҳ Архипга тушди. Архип диванда эснаб ўтирган эди. Диван олдида эса сочи ўрилган бир кизча кувноқ кўзлари билан Потаповга қараб турарди, тўғрироғи, унинг юзига эмас, енгининг устидаги зардўзи каштасига қараётган эди.

– Юринг! – дея, уни ошхонага бошлади Татьяна Петровна.

У ерда кўзада кудукдан келтирилган муздек сув турарди. Каштасига эман баргларининг сурати тикилган таниш сочиқ эса илиб қўйилган эди.

Шунда Татьяна Петровна хонадан чикиб кетди. Оркасидан кизча келиб, Потаповнинг қўлига совун тутди ва унинг кителини ечиб, ювинишини томоша қилиб турди. Потапов ҳали ҳам хижолатдан тортиниб турганди.

– Сенинг онанг ким бўлади? – деб, қизчани саволга тутди, ўзи эса қизариб кетди.

Бу саволни аслида, у шунчаки, қизча билан нимадир сўзлашиш учун берган эди, холос.

– У каттаман, деб ўйлайди, – дея, сирли шивирлади қизча. – Лекин у мутлако катта эмас, мендан ҳам баттар кичик қизчаларга ўхшаб кетади.

– Нега? – сўради Потапов.

Лекин қизча жавоб бериш ўрнига, кулганича, ошхонадан қочиб чиқиб кетди.

Потапов кечаси билан ўзини енгил, аммо ўта таъсирчан туш ичида юргандек сезди ва бу ғаройиб хиссиёт уни ҳеч тарқ этмади. Уйда ҳамма нарса у тасаввурида кўришни орзу қилиб, кутганидек эди. Худди ўйлаганидек, ноталар роялнинг устида ётибди, роялнинг устида ўша бурама шамлар чисирлаб отасининг кичкинагина хонасини ёритиб турарди. Ҳатто, стол устида унинг госпиталдан юборган хатлари – ўша-ўша, ҳар доим, худди отаси уларни тахлаб, устидан қўйиб қўядиган компас ҳам жойида турарди.

Чой ичиб бўлишганларидан сўнг, Татьяна Петровна Потаповни дарахтзор ортига, отасининг кабрига бошлаб борди. Туманли ой юқорига кўтарилиб улгурган эди. Унинг нурларида қайинлар енгил ялтираб, қор юзига майин соя ташлаб турарди.

Сўнг кеч тунда Татьяна Петровна роялнинг олдида ўтириб, охиста клавишларни териб, Потаповга ўгирилиб қаради ва:

– Назаримда, мен сизни аввал қаердадир кўргандекман, – деди.

– Ҳа, бўлиши мумкин, – деб жавоб берди Потапов.

Сўнгра Потапов унга назар ташлади. Ён томондан тушган шамнинг ёруғи унинг ярим юзини ёритиб турарди. Потапов ўрнидан туриб, уйнинг бошқа бурчагига ўтиб, турди.

– Йўқ, эслолмаяпман, – деди, бўғиқ овозда.

Татьяна Петровна ўгирилиб, чўчиб унга қаради, аммо, бошқа ҳеч нарса демади.

Потаповга шу хонадаги диванга жой қилиб беришди, лекин ухлолмай чиқди. Бу уйдаги ҳар бир дақиқа унинг учун жуда қимматли эди ва у буни йўқотиб қўйишдан қўрқаётган эди.

У ётган жойида Архипнинг ўғринча юргани, соатнинг чиқиллаган овози, Татьяна Петровнанинг шивирлашларига кулоқ тутиб ётди. У ёпик турган эшикнинг ортида энага билан алланималарни гаплашишди. Кейин овозлари тиниб, энага чикиб кетди, лекин эшикнинг тагига тушиб турган ёруғликнинг чизиги сўнмади. Потапов китоб варақларининг шиғирлаб очилаётганини эшитиб турарди, – Татьяна Петровна китоб ўқиётган бўлса керак, деб ўйлади Потапов, чунки у Потаповни поездга чиқишга уйғотиш учун бугун ухламайди. У Татьяна Петровнага ўзининг ҳам уйғок эканлигини айтгиси келди, аммо, индамай кўяқолди.

Соат тўрт бўлганда Татьяна Петровна эшикни секин очиб, Потаповни чақирди. У ўрнидан кўзгалди.

– Вакт бўлди, туришингиз керак, аммо, сизни уйғотишга кўзим қиймаяпти! – деди, у.

Татьяна Петровна Потаповни поезд бекатига шаҳар окшоми узра кузатиб қўйди. Иккинчи кўнғирокдан сўнг улар хайрлашишди. Татьяна Петровна Потаповга икки қўлини узатганча:

– Хат ёзиб туринг. Энди бизлар сиз билан қариндошлармиз. Тўғрими? – деди.

Унга жавобан Потапов ҳеч нарса демади, шунчаки бошини қимирлатиб қўйди. Бир неча кундан сўнг эса Татьяна Петровна Потаповдан йўл давомида ёзилган хат олди.

“Мен албатта каерда учрашганимизни эслаган эдим, – деб ёзган эди Потапов, – лекин бу ҳақда у ерда, уйда айтгим келмади. Крим эсингиздами, йигирма еттинчи йилнинг кузи. Ливадийск истирохат боғидаги эски чинорлар. Хиралашган осмон, оқарган денгиз. Мен ёлғизоёқ йўл бўйлаб Ореанд томонга юриб борардим. Йўл яқинидаги ўриндикда бир киз ўтирарди. Унинг ёши тахминан ўн олтиларда эди. У мени кўргани ҳамоно

ўрнидан туриб менга қараб юриб кела бошлади. Биз бир-биримизга якин келганда, мен унга қарадим. У қўлига очик китобни ушлаб олганча, чакқон ва тез юриб ўтиб кетди. Шунда мен тўхтаб, унинг кетидан анчагача қўзимни ололмай турдим. У қиз сиз эдингиз. Ҳа, мен адашмаяпман. Мен изингиздан қараб, ҳозиргина менинг олдимдан бутун ҳаётимни ағдар-тўнтар қилиб ёки менга улкан бахт ато эта оладиган аёл ўтиб кетганини қалбан ҳис қилгандим. Мен у аёлни ўзимдан бутунлай кечиб, бор вужудим билан севиб қолишим мумкинлигини тушуниб етгандим. Мен ўша пайтнинг ўзидаёқ нима бўлишидан қатъи назар сизни излаб топишим кераклигини билардим. Ўша дамда қалбимдан шундай ўйлар кечди-ю, лекин турган жойимда тек қотиб, жилолмай қолдим. Неғалигини ҳозиргача билмайман. Ўшандан кейин мен сизни бир зум кўриб ва бутунлай йўқотиб қўйган жойларим: Қримни ва ўша сўқмокни яхши кўриб қолганман. Лекин ҳаёт менга шафқат қилди ва мен сизни қайта учратдим. Агар ҳаммаси бутунлай яхши бўлиб якун топса, сизга менинг ҳаётим керак бўлса, албатта у сизники бўлади. Ҳа, мен отамнинг столи устида ўзимнинг ёзган хатимни топиб олдим. Мен ҳаммасини тушундим ва олислардан туриб сиздан жуда миннатдорлигимни изҳор қилмоқчиман”.

Татьяна Петровна хатни четга қўйиб, ўзининг хорғин кўзлари билан ойнадан кўзга ташланиб турган оппоқ қорга бурканган боғга қараб:

— Ё, Парвардигор, мен ҳеч қачон Қримда бўлмаганман! Ҳеч қачон! Лекин энди бунинг нима аҳамияти бор? Ёки аслида ундай эмаслигига уни ва ё ўзимни ишонтириш керакмикин?

У қулиб юборди ва юзини қўллари билан беркитди. Дераза ортида эса хира тортган окшом сира сўнмай, қор бағрида ёришиб тураверди.

МУНДАРИЖА

<i>Александр Куприн</i>	
Миннатли нон.....	3
Настарин бутаси.....	12
Сабур.....	21
Брегет.....	30
<i>Константин Паустовский</i>	
Акварель бўёклари.....	44
Ок куёнлар.....	56
Эртакчи.....	62
Кор.....	86

Адабий-бадiiй нашр

**Александр Куприн
Константин Паустовский**

НАСТАРИН БУТАСИ

Мухаррир *Гўзал Матёкубова*
Бадiiй мухаррир *Шухрат Мирфаёзов*
Техник мухаррир *Хосият Ҳасанова*
Мусаххих *Доно Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Алиева*

Нашриёт лицензия раками AI № 290. 04.11.2016.
2018 йил 6 июнда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108^{1/32}. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 5,25 шартли босма тобок. 4,1 нашр тобок.
Адади 1000 нусха. 413- ракамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz,

[e-mail: info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)



ISBN 978-9943-5294-4-1



9 789943 529441